O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 30 март, № 61 (4976) Сешанба


# ЮКСАК САЛОҲИЯТ ВА ИНТИЛУВЧАНЛИК НАМОЙИШИ

***Кеча Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ташаббус — 2010" республика кўрик-танловининг якуний босқичи иш бошлади.***

**«Ташаббус — 2010»**



Айтиш жоизки, Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида ташкил этилган мазкур кўрик-танлов ўтган даврда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, ҳунармандчиликни ривожлантириш, уларнинг илғор ғояларини амалиётга жорий этишда энг муҳим тадбирга айланди. Ташаббускор тадбиркорларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиши эса ҳар йили юзлаб ишбилармонлар кашф этилишига, кўплаб ишлаб чиқариш субъектларининг пайдо бўлишига, мавжудларининг фаолият йўналишлари кенгайишига мустаҳкам замин яратмоқда. 2009 йилда кичик бизнес соҳасида 390 мингдан ортиқ янги иш ўрни очилгани, уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши қарийб 50 фоизга етгани бунинг яққол тасдиғидир.

Республикамизда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида хўжалик субъектларининг рўйхатга олиш тартиби соддалаштирилиб, солиқ юкининг йил сайин пасайтирилаётгани, микрокредитлаш ва бошқа йўналишларда бир қатор имтиёзлар қўлланилаётгани уларнинг фаолиятида рағбатлантирувчи омил бўлмоқда. Бу жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш ва экспорт салмоғининг тобора ошишига хизмат қилаётгани эътиборга моликдир.

(Давоми 2-бетда).

***Биз, кексалар фарзандларимиз эришаётган ютуқлар, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори, ободлик ва бунёдкорлик йўлидаги эзгу интилишларга гувоҳ бўлганимиз сайин дориламон кунларга етганимиздан, пок орзуларимиз ушалаётганидан кўнглимиз ёришмоқда.***

# ҒАМХЎРЛИКДАН ҚАЛБЛАР МУНАВВАР

**Дил сўзи**

Бизнинг ёшлигимиз буткул бошқача замонларга тўғри келган эди. Ҳамон ёдимда, уруш бошланганида эндигина ўн саккизга чиққан ғўргина бола эдим. Ўша кезлар тушимга ҳам кирмаган даҳшатли манзараларнинг гувоҳи бўлиб, очлик, ташналик, дардмандликка бардош берганман. Чунки ҳар қандай ҳолатдаям ўзимизни қўлга олиб жанг майдонига киришга мажбур эдик...

Беадад шукрлар бўлсинки, бугун ўғил-қизларим камолини кўриш насиб этди. Беш фарзандни тарбиялаб вояга етказдим, барини ўқитдим, уйли-жойли қилдим. Ҳозир ўн икки набирам, йигирма етти нафар эварам бор. Қаерга бормайин, қай бир даврада бўлмайин, ҳамиша элнинг эъзозу эҳтиромига сазоворман. Меҳр ва ардоқдан, ғамхўрлигу имтиёзлардан баҳрамандлик биз, кексаларнинг чинакам маънода юксак қадрга муносиб эканлигимизни англатиб турибди. Яқинда Президентимизнинг "Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 65 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинганида ҳам юрак-юракдан қувондик, шундай юксак эҳтиромга муносиб эканлигимиздан фахрландик.

Юртимизда уруш қатнашчилари ва ногиронларига кўрсатилаётган моддий ва маънавий мадад, ҳурмату эҳтиром ёшларимиз, фарзандларимиз учун ибрат намунасидир. Улар ҳозирги тинч-осуда замонда, тараққиётга юз тутаётган юрт бағрида униб-ўсишаяпти. Илоҳим, биз ёшликда кўрган машаққат ва қийинчиликларни бугунги авлод зинҳор кўрмасин. Ёруғ кунлар бардавом бўлсин, юртда бунёдкорлик, эзгу ташаббуслар, улуғ ишлар амалга ошираверсин. Зеро, бизнинг ниятимиз пок, орзу-мақсадларимиз улкан. Ғамхўр Президентимиз бор экан, ҳаётимиз янада фароғатли бўлади, албатта.

**Сирожиддин АРИПОВ,**
**Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.**
Тошкент шаҳри

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**



## Меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик айёми

***ПОЙТАХТимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида республика Байналмилал маданият маркази томонидан Наврўз байрамига бағишланган бадиий-мусиқий тадбир ташкил этилди.***

Унда мамлакатимизда фаолият юритаётган миллий-маданий марказлар, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари, маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари иштирок этди.

Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Н. Муҳаммадиев мамлакатимизда миллатлараро тотувликни таъминлаш, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, аҳиллик, эзгулик, бағрикенглик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бир юз элликдан ортиқ миллат ва элат, турли диний конфессияларнинг вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳиллик ва ҳамжиҳатликда истиқомат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

***НАВОИЙ. Зарафшон шаҳри аҳли учун Наврўз шодиёналари унутилмас воқеаларга бой бўлди. Шаҳарнинг энг муҳташам гўшасида жаҳон тиббиёт илми асосчиси, олим ва файласуф Абу Али ибн Сино сиймоси акс эттирилган маҳобатли ҳайкалнинг очилиши муносабати билан бўлиб ўтган тадбир ана шулар жумласидандир.***

## Буюк бобокалонимизга эҳтиром

Унда кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда тиббиёт ходимлари иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар буюк бобокалонимизнинг тиббиёт илми ривожига қўшган улкан ҳиссаси ва бизга қолдирган бебаҳо мероси ҳақида алоҳида тўхталдилар.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Модернизация шарофати

***НАМАНГАН. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш "Наманганданмаҳсулотлари" очиқ акциядорлик компаниясига қарашли "Нуробод-3" корхонасида маҳсулот сифатини янада яхшилаш имконини берди.***

Бунинг учун банкдан олинган 200 миллион сўмлик маблағ эвазига Германиядан нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилиб, бинолар мукаммал таъмирдан чиқарилди. 15 киши меҳнат қилаётган корхона ўтган бир ой давомида аҳоли дастурхонига 115 тоннадан зиёд нон маҳсулотлари етказиб берди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Ватан ҳимояси — муқаддас бурч**

# ЮРТГА СОДИҚЛИК ҚАСАМЁДИ

***Орият, садоқат ва лафзни ҳамма нарсадан устун қўядиган халқимиз қасамёд қилганларга юксак ишонч билдирган. Ота-боболаримиздан ўтиб келаётган бундай эзгу фазилатлар эса бардавомдир.***

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан пойтахтимизда Қуролли Кучларимиз шарафига бунёд этилган "Ватанга қасамёд" ҳайкали пойида илк бор ўтказилган аскарларнинг қасамёд қилиш маросимида шулар ҳақида сўз юритилди.

Тегишли вазирлик ва идоралар, жамоатчилик вакиллари, аскарларнинг ота-оналари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон мудофаа вазирининг ўринбосари Т. Ҳамроқулов, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М. Ҳожиматов, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари М. Зуфарова, аскар онаси Раъно Ҳамдамова ва

(Давоми 2-бетда).

**«Олтин қалам»:**

# ИСТЕЪДОД, ФАОЛЛИК ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ



***Юртимизда давлат ва жамиятни ислоҳ этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами ва миқёси кенг. Ана шу ислоҳотлар жараёни, уларнинг мазмун-моҳиятини тезкор, холис ва ҳаққоний ёритиш, халқимиз маънавиятини юксалтириш, жамиятимизда демократик қадриятларнинг мустаҳкам қарор топишига ҳисса қўшиш каби қатор устувор ва долзарб вазифалар айни кунда журналистлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.***

*Шу боис юртимизда ушбу соҳа ходимларининг ижод қилиши учун шарт-шароит яратиш, уларнинг меҳнатини эъзозлаш ва рағбатлантириш масаласи давлатимиз эътиборида. Бу борада ҳар йили журналистлар ўртасида анъанавий равишда ташкил этиладиган танловлар, ижодий беллашувлар муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, бевосита Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун ўтказилаётган халқаро танлов ҳам ана шу эзгу мақсадлар рўёбига кенг йўл очаётир.*

**Танлов**

*Жорий йилда мамлакатимизда мазкур мукофот учун бешинчи бор танлов ўтказилади. Шу муносабат билан "Олтин қалам" мукофоти ва ушбу мукофот учун 2010 йилда эълон қилинган танловнинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, "Олтин қалам" Миллий мукофоти ташкилий қўмитаси раиси Шерзод ҒУЛОМОВ билан суҳбатлашдик.*

**— Мамлакатимизда журналистика соҳасида ўтказилаётган танловлар кўп. Шундай бўлса-да, "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун ўтказилаётган халқаро танлов қисқа вақт ичида юксак нуфузга эга бўлди. Хўш, бунинг боиси нималарда деб ўйлайсиз?**

— Жорий йилнинг 27 январь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан оммавий ахборот воситаларининг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида сўз юритилиб, соҳа ходимлари зиммасидаги қатор устувор вазифалар тилга олинди. Табиийки, ана шундай масъулиятли даврда журналистларга янада эркин ижодий муҳит яратиш, уларни

(Давоми 2-бетда).

***Кеча пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида анъанавий "Bazar-Art — 2010" кўргазма-ярмаркаси якунланди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталарининг "IJOD" уюшмаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан юздан зиёд уста ва ҳунармандлар иштирок этди.***

# АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТАРАННУМИ

**Кўргазма**

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда миллий ҳунармандлик санъати йўналишида фаолият юритаётган усталарни қўллаб-қувватлаш, халқ амалий санъатининг нодир анъаналарини қайта тиклаш, асраб-авайлаш, юртимиз ҳамда хорижда тарғиб ва ташвиқ этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эзгу юмушга "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Ушбу ташкилот томонидан ўтказилаётган кўрик-танловлар, фестиваллар, ижодий лойиҳалар, кўргазмалар моҳир ҳунармандларга ҳар тарафлама мадад кўрсатиш, умидли ёшларни аниқлаш, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш имконини бермоқда. Жумладан, "Bazar-Art" кўргазма-ярмаркаси ҳам анъанавий ва замонавий амалий санъат соҳасидаги ижодкорларни кашф этиш, кенг жамоатчиликни бу борада эришилган ютуқлар билан таништиришга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Тадбирда ёш ҳунармандларнинг иштирокини таъминлашга, фаолиятини кенг тарғиб ва ташвиқ этишга катта эътибор қаратилади.

Бу йилги кўргазма-ярмаркада халқ амалий санъати ва ҳунармандликка оид бой миллий меросимизнинг тарихи, мазмун-моҳияти, йўналишларини ёшлар онгу шуурига етказиш, "Устоз — шогирд" анъаналари давомийлигини таъминлашга аҳамият берилди. Етук усталар билан ёш ҳунармандларнинг ижод намуналари тадбирга ташриф буюрган ихлосмандларда катта таассурот қолдирди.

"Bazar-Art — 2010" кўргазма-ярмаркасида тошкентлик Ҳасан Мирзааҳмедов ҳамда Римма Газалиева, шофирконлик Зуҳра Облобердиева, андижонлик Манзура Юсупова, самарқандлик Икромжон Каримов ғолиб, деб топилди. Марғилон шаҳридаги "Ёдгорлик" тикувчилик фабрикаси ва тўқувчи Мансур Мирзахонов танловнинг бош грантига сазовор бўлди.

Кўргазма-ярмарка доирасида мусиқа санъати усталарининг чиқиши тадбирга ўзгача файз киритди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Имтиёз имконият яратмоқда

**Бир рақам шарҳи**

2009 йилда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш ҳисобидан

**500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ хўжалик субъектлари тасарруфида қолдирилди.**



***Бундай йирик сармоя хўжалик субъектларининг айланма маблағларини тўлдириш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, ишчиларни моддий рағбатлантириш учун йўналтирилади. Бир сўз билан айтганда, солиқ имтиёзи — ривожланиш омилига айланади.***

# ДОЛЗАРБ МАСАЛА МУҲОКАМАСИ

***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг мувофиқлаштирувчи Кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.***

**Тадбир**

Унда дастлабки тергов ва суриштирув органлари томонидан жиноятлар ҳақидаги хабарлар ва аризаларнинг кўриб чиқилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонунининг Ички ишлар вазирлиги органлари томонидан ижро этилишининг аҳволи муҳокама қилинди.

Йиғилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш орқали фуқаролар, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди. Айни пайтда бу тоифадаги ариза ва хабарларни ҳал этишда жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига риоя этилишини таъминлаш борасида камчиликларга йўл қўйилганлиги, айниқса, жиноятни ҳисобдан яширишдек жиддий қонунбузилиш ҳолатларига барҳам берилмаётганлиги кескин танқид остига олинди.

Бундай салбий ҳолатларнинг вужудга келиш сабаб ва шарт-шароитларига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг олдини олиш борасида қатъий чоралар кўрилиши лозимлиги қайд этилди.

Ички ишлар вазирлиги органлари томонидан терроризмга қарши курашишга оид қонунчилик ижроси аҳволини муҳокама қилишда бу тоифадаги жиноятларнинг олдини олиш борасидаги иш услубини янада такомиллаштириш, диний экстремистик оқим таъсирига тушиб қолган шахсларни аниқлаш ва улар билан профилактик тадбирлар ўтказиш бўйича мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилишида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ушбу соҳаларда фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Бош прокуратураси**
**матбуот хизмати.**



# ЮКСАК САЛОҲИЯТ ВА ИНТИЛУВЧАНЛИК НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Ташаббус" кўрик-танловининг очилиш маросимида таъкидланганидек, у, айниқса, фермерларга қўшимча имкониятлар эшигини очиб бераётир. Айни пайтда улар деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб қолмасдан, ўзлари етиштирган маҳсулотларни қайта ишлашни йўлга қўйишган. Аслида, бу мазкур тадбирда орттирилган тажрибанинг самарасидир.

Дарҳақиқат, "Ташаббус — 2010" кўрик-танлови республика босқичи иштирокчиларининг маҳсулотлари билан танишган киши иқтисодиётимизнинг таянч устунларига айланган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатининг жадал ривожланаётганига амин бўлади. Нега деганда, мазкур соҳаларда намойиш этилаётган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил саноат ва тўқимачилик товарлари, қурилиш ва ҳунармандчилик буюмлари юқори сифати билан жаҳон бозорида ҳам бемалол рақобатга кириша олади. Буларнинг барчаси ўзимизда, аниқроғи, кўрик-танловнинг 6 мингга яқин қатнашчилари орасидан сараланиб, туман (шаҳар), вилоят босқичларида ғолиб бўлган 41 нафар тадбиркор, фермер ва ҳунарманд томонидан таклиф этилмоқда.

Эътиборимизни пойтахтда фаолият юритаётган "Rezalit Kolor" масъулияти чекланган жамиятининг маҳсулотлари тортди. Чунки бу ерда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилган. Корхона раҳбари Авазбек Каримовнинг айтишича, дастлабки йиллари 4 хилдаги лок-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар тури 28 тага етказилди. Қурилиш ва пардозлашда ишлатиладиган елимлар, қуруқ қоришмалар шулар жумласидандир.

Хориж технологияси асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб тобора ортиб бормоқда. Шу боис тадбиркор фаолиятини йил сайин кенгайтириб, ишлаб чиқариш ҳажмини мунтасил ошириш пайидан бўлаяпти. Ўтган йили харидорларга 960 минг тонна лок-бўёқ маҳсулотлари етказиб берилгани шу саъй-ҳаракатларнинг натижасидир. Жорий йилда корхонага хорижнинг яна 5 та технологик линияси ўрнатилиши мўлжалланган бўлиб, бунинг эвазига 45 та янги иш ўрни очилади, ишлаб чиқариш суръати кескин ортади.

Намангандаги "Тўрақўрғон Ширинлик Агро" масъулияти чекланган жамиятида эришилаётган натижалар ҳам эътиборга молик. Гап шундаки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослашган ушбу корхонанинг маҳсулотлари тўлиқ экспортга йўналтирилган.

— Корхонамиз ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди жамият раҳбари Миразим Одилов. — 2008 йилда иш бошлаган бўлсак-да, юртимизда биз, тадбиркорларга яратиб берилган қулай шарт-шароитлар туфайли ўтган қисқа давр ичида дунё бозорига чиқишга улгурдик. Сифатли қуритилган мева, сабзавот ва ёнғоқ маҳсулотларига чет элда талаб ниҳоятда юқори. Буни экспорт ҳажмининг ўсишидан ҳам билиш мумкин. Айтайлик, 2008 йилда четга 94,4 минг АҚШ долларилик маҳсулот сотган бўлсак, ўтган йили бу кўрсаткич 7 миллион 540 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Танлов иштирокчиларининг қай бири билан суҳбатлашманг, фаолиятидаги мана шундай муваффақиятлардан тўлқинланиб гапиради.

Эътиборлиси, кейинги йилларда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари сафи фермерлар ҳисобига кенгайиб, ички бозор сифатли маҳсулотлар билан янада бойимоқда. Негаки, фермер хўжаликларининг ҳеч қайсиси бир йўналиш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Фаолиятини кенгайтириш, минитехнологияларни қўллаш орқали қайта ишлашни йўлга қўйишмоқда. Қашқадарёдаги "Шаймардон бобо" фермер хўжалиги фаолияти бунга мисол бўла олади.

Таъкидлаш керакки, пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган ушбу фермер хўжалиги аъзолари бугунги кунда боғдорчилик, чорвачилик, балиқчилик ва паррандачиликни ҳам ривожлантирмоқдалар. Шу билан бирга, терига ишлов бериш, сутни қайта ишлаш йўлга қўйилди. Даромад меҳнатга яраша салмоқли бўлаётир. Ўтган йили 143 миллион сўмдан ортиқ соф фойда кўрилди.

— Ҳамкасбларимнинг фаолияти билан танишиб, гўштни қайта ишлаш цехини қуриш истаги туғилди, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Қосим Шаймардонов. — Бунга қурбимиз етади, албатта. Чунки гўштни ўзимиз етиштирамиз. 2009 йили истеъмолчиларга 12 тонна гўшт етказиб бердик. Агар уни қайта ишласак, даромадимиз бундан-да ортади. Муҳими, қўшимча иш ўринлари яратилади.

Ҳунармандчилик маҳсулотлари намойиш этилаётган бурчак ҳам одамлар билан гавжум. Бу ерга қўйилган халқ амалий санъатининг ноёб дурдоналари, айниқса, мустақиллик йилларида қайта тикланган ҳунармандчилик буюмлари олдидан ҳеч ким бефарқ ўтиб кетолмайди. Қорақалпоқ миллий куйларини маромига етказиб ижро этаётган Азатбай Отарбоевни кўргазмага келганларнинг бир гуруҳи ўраб олган. Қизиқиши устун келган одамлар ҳунарманд ясаган чолғу асбобларини чалиб ҳам кўради. Бунинг уддасидан чиқа олмагач, уни уста қўлига тутқазиб, куй чалиб беришни ўзидан илтимос қилади.

— Ҳунармандчилик менга отамерос, — дейди А. Отарбоев. — Миллий чолғу асбобларининг тарихини ўрганиб, билимларимни бойитдим. Айни кунда миллий созларнинг 18 хилини ясашни йўлга қўйганман. Улар орасидан 8 тасини ёзма манбалар асосида қайта тикладик. Ғартиқ, учпилик, қовоқ ва ҳайвон тўёқларидан ясалган зарбли асбоблар шулар жумласидандир. Уларга талаб ниҳоятда катта. Айниқса, мусиқа мактаблари, касб-ҳунар коллежларига турли созлар ясаб берамиз. Бугун ҳам кўплаб буюртмалар олдик.

Аслини олганда, "Ташаббус — 2010" республика кўрик-танлови иштирокчилари маҳсулотлари кўргазмаси иқтисодиётимиз ривожининг ҳақиқий намойишига айланиб кетди. Кўргазманинг икки кун фаолият кўрсатиши иштирокчилар учун ўзаро тажриба алмашиш ва кооперацион алоқага киришиш имкониятини яратса, ҳайъат аъзоларига иштирокчиларнинг фаолияти билан яқиндан танишиш учун айни муддаодир. Чунки "Йилнинг эхши тадбиркори", "Йилнинг энг яхши фермери", "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" йўналишлари бўйича ғолиблар улар орасидан энг яхшиларига насиб этиши керак-да!

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Ҳасан ПАЙДОЕВ,**
**Бахтиёр АКРАМОВ**
**олган суратлар.**

# ЭКОҲАРАКАТ — СОҒЛОМ АТРОФ-МУҲИТ ФИДОЙИСИ

***Бундан бир йил олдин мамлакатимизда яна бир хайрли ва эзгу ниятли жамоатчилик уюшмаси — Ўзбекистон Экологик ҳаракати иш бошлади. Биз Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экоҳаракат депутатлари гуруҳи раҳбари Борий АЛИХОНОВ билан учрашиб, ушбу ҳаракат тўғрисида суҳбат қилдик.***

Мулоқот

**— Борий Ботирович! Газетхонларимизга, аввало, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг мақсад-вазифалари ҳамда Экоҳаракатнинг бошқа жамоат бирлашмалари, шу жумладан, сиёсий партиялардан фарқи нимада эканлиги ҳақида маълумот берсангиз.**

— Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ ҳаётнинг барча соҳаларида бўлганидай, юртимизда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит мусаффолигини асраб-авайлаш, инсон саломатлигини таъминлаш соҳаларида тизимли ва кенг кўламли ишлар амалга оширила бошланди. Бу тадбирларда кенг жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари фаол иштирок этмоқдалар.

2008 йил 2 августда мамлакатимиз эколог олимлари, соҳада иш олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фаол жамоатчиликнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг тузилганлиги ҳам халқимизнинг ҳаётида ана шу муҳим масалаларга бўлган юксак эътиборини тасдиқлаб турибди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати — сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнига экологик ёндашувни муҳим мезон, деб билади. Экоҳаракатнинг бошқа жамоат бирлашмаларидан фарқи — олдига қўйган ўзига хос экологик вазифаларида. Энди уни сиёсий партиялардан фарқлантириб турадиган энг муҳим жиҳати шуки, Экоҳаракат ҳокимият учун курашмайди. Ушбу ҳаракат, сиёсий маслагидан қатъи назар, ҳозирги ва келгуси авлод қулай атроф-муҳит шароитида яшашини, барча табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишини таъминлашга жамоатчилик диққат-эътиборини қаратади ва уни ана шунга сафарбар қилади.

**— Экоҳаракатнинг ташкил топганидан кейинги қисқа давр ичида олиб борган фаолиятига ҳам бир назар ташласак...**

— Биргина 2009 йилда Экоҳаракат давлат ҳокимият органлари, меҳнат жамоалари, саноат тармоқлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, сув истеъмолчилари уюшмалари, фермер хўжаликлари, кенг жамоатчилик, яъни бевосита фуқароларнинг ўз иштирокларида экологияни соғломлаштириш мақсадларига қаратилган 550 дан кўпроқ тадбирни амалга оширди. Бу тадбирлар хилма-хил йўналишда. Масалан, тадбирларимизнинг муҳим бир гуруҳи аҳолининг экологик маданиятини ривожлантиришга қаратилган маънавий-маърифий мазмун-моҳиятлидир. Улардан айримларини эслайлик: масалан, Қорақалпоғистон Республикасида ҳамда Андижон, Наманган, Самарқанд ва Фарғона вилоятларининг қатор туманларида "Экология ва саломатлик" мавзуида кўпгина давра суҳбатлари ўтказилди. Бухорода эса "Бухоро вилоятининг долзарб экологик муаммолари", Қорақалпоғистон Республикасида Нукус давлат педагогика институти, мактаб ўқитувчилари ҳамда Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилашга қаратилган халқаро лойиҳаларнинг вакиллари иштирокида Амударё ҳавзасидаги табиий муҳитни яхшилашга бағишлаб семинарлар уюштирилди.

Экоҳаракат ва унинг минтақалардаги бўлинмалари, шунингдек, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш ва инсон саломатлигини яхшилашга қаратилган кўпгина амалий экологик тадбирларни ҳам мунтазам равишда ўтказиб келмоқда. Масалан, 2009 йилнинг 5 июнь — халқаро атроф-муҳитни муҳофазалаш кунида 1000 дан ортиқ фуқаро иштирокида пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги боғида катта тозалаш ҳашари уюштирилди. Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманида "Кўчат эк, боғ ўстир!" шиори остида 19 гектарлик майдонда "Экология боғи" барпо этилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Кегайли туманидаги "Оқсой", "Боғи Эрам" фермер хўжаликларининг экин майдонларига томчилатиб суғориш тизими жорий қилинди. Шу тумандаги "Кегайли" қишлоқ врачлик пункти замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан тўлиқ жиҳозланди. Йил давомида мана шундай тадбирларни рўёбга чиқариш учун 149 миллион сўмга яқин ҳомийлик маблағлари сарфланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг "Ишонч телефони" (245-96-32) орқали бевосита мулоқот ташкил этилди. Шу жараёнда ташкилотимизга жойлардан 168 та маълумот тушди. Аҳоли маълумотлари асосида 5 та танқидий-таҳлилий телекўрсатув уюштирилди. Газеталарда ўнлаб чиқишлар қилинди. Уларнинг жойлардаги экологик масалалар ечимини топишдаги аҳамияти салмоқли бўлди.

**— Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар олдида катта ва масъулиятли вазифалар турганлигини таъкидладилар. Экоҳаракат депутатлари Юртбошимиз маърузасидан келиб чиқадиган ўз вазифаларини қандай тасаввур этмоқдалар?**

— Президентимиз ўз маърузаларида таркибида 100 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотларни бирлаштирган Ўзбекистон Экологик ҳаракати қатнашчилари ва унинг депутатлари фаолиятида дастуриламал бўладиган ғоятда қимматли йўл-йўриқларни баён этдилар. Жумладан, маърузада шундай ғоялар илгари сурилди: "Барчамиз бир оддий ҳақиқатни қатъий ва аниқ англаб олишимиз керак — бундан буён Ўзбекистон Экологик ҳаракати янги сифат босқичига кўтарилади, юксак депутатлик минбаридан туриб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўртага қўйиш ва назорат қилиш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ҳамда тажовузкор ўзгаришларидан ҳимоя қилиш учун улкан имкониятларни қўлга киритади".

Мамлакатимиз раҳнамосининг бундай юксак ишончи бизларга катта куч-ғайрат ва руҳий кўтаринкилик бағишламоқда. Биз, Экоҳаракатчилар, айниқса, унинг депутатлар гуруҳи ўз фаолиятимизда бундай олий эътиборга ҳар жиҳатдан муносиб бўлиш, соҳага оид амалий ва қонунчилик масалаларини давр талаблари доирасида малакали ҳал этиш, ташаббускор фаолият олиб бориш йўлида сидқидилдан астойдил ҳаракат қилаяпмиз.

**— Экоҳаракат олдида истиқболда ҳал қилиниши лозим бўлган қандай вазифалар турибди?**

— Аввало, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлари гуруҳининг фаолиятини янада малакали ва самарали ташкил этиш чора-тадбирларини кўришимиз лозим. Атроф-муҳит тозалигини сақлаш ва аҳоли саломатлигини янада яхшилаш масалаларига қаратилган янги қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда фаоллик кўрсатишимиз керак. Айни пайтда амалдаги худди шундай қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси устидан назоратни янада кучайтириш ҳам муҳим вазифаларимиздандир.

Шунингдек, атроф табиий муҳит масалаларига бағишлаб халқаро миқёсдаги давра суҳбатлари ва республикамиз миқёсида танловлар ташкил этиш режаларимиз ҳам бор.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш маданиятини оширишга қаратилган тадбирларни фаоллаштириш, ёш экологик етакчиларни тарбиялаш, барқарор ривожланишни таъминлашга хизмат қиладиган экологик таълим бўйича мамлакатимизнинг миллий режасини ишлаб чиқиш, Экоҳаракатнинг ҳудудий бўлинмалари ишининг салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, экологик фаолиятнинг таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида ҳуқуқ-тартибот, суд, прокуратура ва бошқа тизимлар билан ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш — булар ҳам истиқболдаги муҳим вазифалар сирасига киради.

**Суҳбатни М. САФАРОВ**
**тайёрлади.**

Анжуман

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ўтказилган давра суҳбати давлат солиқ хизмати органлари фаолиятида тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилиши бўйича 2009 йилда ўтказилган мониторинг натижаларига бағишланди.***

# МОНИТОРИНГ НАТИЖАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Тадбирда Ўзбекистонда солиқ муносабатларининг яхлит ҳуқуқий базаси ва бозор тамойилларига мос келадиган мукаммал солиқ тизими шаклланганлиги таъкидланди. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилаётган кенг кўламдаги ишлар кўплаб ижобий натижаларга эришиш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган мониторинг давлат солиқ хизмати органлари фаолиятида муаммолар ва ишга солинмаган имкониятлар мавжудлигини кўрсатди. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида баъзи қийинчиликларнинг келиб чиқишига қонун ҳужжатларида айрим номувофиқликлар, такрорланишлар, бўшлиқлар ва амалга ошириш механизмлари билан таъминланмаган нормаларнинг мавжудлиги муайян даражада ўз таъсирини кўрсатаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Давра суҳбати иштирокчиларининг асосий эътибори солиқ назоратини амалга оширишга оид қонун ҳужжатларининг баъзи ҳолларда амалиётда нотўғри қўлланилаётганлигига жалб этилди.

Давра суҳбати иштирокчилари адлия ҳамда солиқ хизмати органларининг қонунчиликни такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини мониторинг қилиш масалалари бўйича ҳамкорлиги давлат солиқ сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Адлия вазирлиги**
**ахборот хизмати.**

# Меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик айёми

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртимизда миллатидан қатъи назар, барча фуқароларнинг эмин-эркин таълим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-ҳунар эгаллаши, истеъдодини рўёбга чиқариши, меҳнат қилиши, миллий ва маданий анъаналари, урф-одат ва қадриятларини асраб-авайлаши, янада ривожлантириши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилган.

Бу йўналишдаги вазифалар ижросини таъминлашда республика Байналмилал маданият маркази муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Марказ томонидан ўтказилаётган турли ижтимоий-маърифий лойиҳалар, кўрик-танловлар, илмий-амалий анжуманлар, семинарлар, кўргазмалар, мусиқий фестиваллар, санъат ва дўстлик фестиваллари, маънавий-маърифий тадбирлар жамиятимизда миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат, эзгулик, ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тадбир доирасида тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси ташкил этилди.

Санъат усталари, ёш ижрочилар, юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий-маданий марказларнинг бадиий ҳаваскорлик жамоалари томонидан катта концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЮРТГА СОДИҚЛИК ҚАСАМЁДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

бошқалар аскарларни халқимизга, Президентимизга садоқат билан хизмат қилишга тантанали қасамёд қилгани билан табриклаб, уларни ўз йигитлик бурчини виждонан ўташга чақирди.

Тадбирда мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидланди. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим омил бўлаётир.

— Ушбу бетакрор монумент Ватанга садоқат, халқимизнинг фидойи ўғлонларининг мардлиги ва жасоратининг ёрқин тимсолидир, — дейди капитан Абдуҳаким Набижонов. — Аскарларнинг қасамёд қилиш маросими бу ерда ўтказилиши уларга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Юртбошимиз ушбу монументнинг очилиш маросимида таъкидлаганидек, ёш авлодни миллий ғоя, мардлик ва матонат руҳида тарбиялашда улар учун маънавий ибрат бўлиб хизмат



**Рустам ШАГАЕВ**
**олган сурат.**

қиладиган бундай таъсирчан бадиий тимсолларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Бухоро вилоятининг Ромитан тумани мудофаа ишлари бўлимидан ҳарбий хизматга чақирилган Рамзиддин Солиев сафдошлари қатори жасур ва сергак жангчи бўлишга қасамёд қилди.

— "Ватанга қасамёд" ҳайкалининг очилиш маросимини телевизор орқали кўриб, кўнглимдан шу монумент олдида қасамёд қилиш орзуси ўтган эди, — дейди оддий аскар Р. Солиев. — Бугун шу орзуим амалга ошди — монумент рўпарасида қасамёд қабул қилдим. Бу — мен учун бахт. Бу кун ҳаётимдаги энг қувончли, унутилмас кун бўлиб қолади.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 30 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1410,76 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2532,69 |
| 1 Дания кронаси | 280,68 |
| 1 БАА дирҳами | 423,02 |
| 1 АҚШ доллари | 1553,70 |
| 1 Миср фунти | 282,70 |
| 1 Исландия кронаси | 12,09 |
| 1 Канада доллари | 1517,43 |
| 1 Хитой юани | 227,59 |
| 1 Малайзия ринггити | 473,54 |
| 1 Польша злотийси | 536,42 |
| 1 СДР | 2351,98 |
| 1 Туркия лираси | 1014,50 |
| 1 Швейцария франки | 1455,59 |
| 1 евро | 2276,17 |
| 10 Жанубий Корея вони | 13,68 |
| 10 Япония иенаси | 167,61 |
| 1 Россия рубли | 52,64 |
| 1 Украина гривнаси | 195,90 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## «Олтин қалам»:
# ИСТЕЪДОД, ФАОЛЛИК ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти катта. Зеро, эндиликда ОАВ ходимлари фаолиятида соғлом ижодий рақобат муҳити кучайиб бормоқда.

Маълумки, айни пайтда юртимизда биргина журналистика соҳасига дахлдор ўнлаб танловлар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан эълон қилинаётган "Атиргул", "Йилнинг энг фаол журналисти", "Энг улуғ, энг азиз" сингари танловларда ҳар йили юздан зиёд ижодкор юртдошларимиз ғолиб ва совриндорлар сифатида рағбатлантирилаяпти. Айтиш жоизки, 2006 йилдан эътиборан журналистика соҳасида "Олтин қалам" Миллий мукофотининг таъсис этилиши ҳамда ушбу мукофот учун халқаро миқёсда танлов эълон қилиниши эса республикамиздаги оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди. Мазкур танловнинг мақсади ҳам миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимларининг фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни, янгича ёндашувларни шакллантиришни кўзда тутади.

Қувонарлиси, мазкур танловнинг нуфузи, кўлами йилдан-йилга ошиб бораётир. Бунинг амалий тасдиғини қуйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин.

Масалан, "Олтин қалам" I Миллий мукофоти учун эълон қилинган дастлабки танловда 136 нафар журналист 1669 та ижодий иши билан қатнашган бўлса, ўтган йили 5 мингдан зиёд материаллари билан иштирок этган 366 нафар журналист орасидан ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Шунингдек, илк бор танлов матбуот, телевидение, радио йўналишлари бўйича ўтказилган бўлса, ўтган даврда улар қаторига интернет журналистикаси ҳам қўшилди. Бинобарин, ҳар бир йўналиш бўйича аввал атиги битта мукофот жорий этилган бўлса, 2007 йилдан бошлаб ҳар бир йўналишда биринчи, иккинчи ва учинчи даражадаги учта, жами 12 та асосий мукофот ташкил этилди. Энг диққатга сазовори, Бош миллий мукофот таъсис этилди. Бу номинацияда ғолиб бўлган журналист ёки жамоа махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ҳамда Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Бундан ташқари, танловга янги номинацияларнинг қўшилиб бораётгани ҳам қувонарли ҳол. Бу, ўз навбатида, ижодкорларимизни янада кенгроқ қамровда рағбатлантириш имконини берproperly. Масалан, ўтган йилдан эътиборан "Энг яхши матбуот хизмати" номинацияси бўйича ҳам ғолиблар тақдирланадиган бўлди. Жорий йилда эса танловга яна бир — "Баркамол авлод йилига бағишланган энг яхши материал учун" номинацияси киритилди. Натижада бу йилги танловда тақдирланадиган ғолиб ва совриндорлар сони 27 нафар (битта бош, 12 та асосий, 14 та рағбатлантирувчи мукофот учун)га етади.

Қолаверса, 2009 йилда танловнинг мукофот жамғармаси 84 миллион 120 минг сўмдан зиёдни ташкил этган бўлса, у жорий йилда 113 миллион сўмдан ошади.

**— "Олтин қалам" халқаро танлов мақомига эга. Шундай экан, унинг хорижий журналистлар ўртасидаги ўрни, нуфузи ҳақида тўхталиб ўтсангиз. Умуман, мазкур танловга чет эл оммавий ахборот воситалари ходимларининг муносабати қандай?**

— Бугун Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида ўз нуфузи ва ўрнини тобора мустаҳкамлаб бораяпти. Турли соҳалар ва жабҳаларда эришаётган ютуқларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда эътироф этилаётир. Масалан, ҳозирги глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимизда қайд этилаётган ўсиш суръатлари кўпчиликнинг ҳайрату ҳавасига сабаб бўлаётгани сир эмас. Табиийки, бундай ижобий натижалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда изчиллик билан, босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир. Биргина ана шу соҳадаги муваффақиятларимиз ҳақида хорижий мамлакатларнинг нуфузли босма ва электрон нашрларида, телевидение ва радиотармоқларида қанчадан-қанча таҳлилий материаллар эълон қилинди, кўрсатув ва эшиттиришлар эфирга узатилди.

Албатта, бу барчамизни беҳад қувонтиради.

"Олтин қалам" танловида эса нафақат маҳаллий, балки кўплаб хорижий журналистлар ҳам қатнашиш истагини билдирмоқдалар. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу Миллий мукофотнинг битта номинацияси хорижий журналистлар учун мўлжалланган. Мазкур номинация "Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун" деб номланади. Ўтган йилларда Эрон, Ҳиндистон, БАА, Туркия, Ироқ, Россия, Озарбойжон, Қирғизистон ва бошқа давлатлар оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ушбу номинация бўйича танловда иштирок этиб, улар орасидан ғолиблар аниқланди.

Шунингдек, "Олтин қалам" Миллий мукофоти ғолибларини тантанали равишда тақдирлаш тадбирида БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўзлари таъсис этган қатор рағбатлантирувчи мукофотлари билан фаол иштирок этмоқда.

**— Айни пайтда танловга тайёргарлик борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берсангиз.**

— Ҳозирда танловга тайёргарлик ишлари қизғин паллага кирган. Ташкилий қўмитага тақдим этилаётган материаллар салмоғи кун сайин ортиб бормоқда.

Танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунида, пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида ўтказилади. Айни пайтда ушбу байрамона кечани ташкил этиш, концерт дастурини саҳналаштириш устида Ўзбекистон санъат арбоби, режиссёр Носир Отабоев бошчилигидаги ижодий гуруҳ иш олиб бормоқда.

Танлов ғолиблари ва совриндорларига бериладиган мукофотлар ҳамда уларни тақдирлаш маросимини ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ажратилиши кўзда тутилган.

**Фаррух БЎТАЕВ**
**суҳбатлашди.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Савдо ҳажми ўсиши кутилмоқда

***Жорий йилда дунё бўйича савдо ҳажми 9,5 фоизга ошиши кутилмоқда.***



Бу ҳақда "Франс Пресс" ахборот агентлиги Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БСТ) маълумотларига таяниб хабар тарқатди. 2009 йилда молиявий-иқтисодий инқироз туфайли дунё бўйича савдо ҳажми 12 фоизга тушиб кетганди. БСТ мутахассисларининг айтишича, бу йил ана шу йўналишда ривожланаётган мамлакатларда 11 фоиз, тараққий этган давлатларда эса 7,5 фоиз ўсиш кузатилар экан.

Шу ўринда эслатиб ўтамиз, сал аввалроқ Халқаро валюта жамғармаси ҳам жорий йилда жаҳон савдо айланмаси 5,8 фоизга ўсишини тахмин қилганди.

## Вертолётга ҳужум уюштирилди

***Афғонистон жанубида халқаро коалиция кучларига тегишли вертолётга ҳужум уюштирилган, дейилади "Ассошиейтед Пресс" ахборот агентлиги хабарида.***

Фалокат Забул музофотида содир бўлган. Бахтсиз ҳодиса туфайли ўн тўрт нафар ҳарбий тан жароҳати олган, ҳалок бўлганлар ҳақида эса маълумотлар йўқ. Ҳужум "Толибон" жангарилари гуруҳи томонидан амалга оширилганлиги айтилмоқда.

## Зилзила содир бўлди

***Чилида яна кучли зилзила содир бўлди.***



Унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,1 баллни ташкил қилган. Табиий офат маркази мамлакат пойтахти Сантьяго шаҳридан 282 километр Жануби-Ғарбда қайд этилган. Қурбонлар ва жабрланганлар ҳақида маълумотлар йўқ, шунингдек, зилзила келтирган талафотлар ҳам аниқ эмас.

Эслатиб ўтамиз, мамлакатда жорий йилнинг 27 февралида юз берган 8,8 балли ер силкиниши оқибатида қарийб беш юз киши ҳалок бўлган, 100 дан ортиқ одам эса бедарак йўқолганди.

## Хунрезлик ташкилотчиси номаълум

***Греция пойтахти Афина шаҳри марказида портлаш содир бўлди.***

Манбага кўра, хунрезлик Патисья туманида амалга оширилган. Оқибатда бир киши қурбон бўлган ва бир одам оғир тан жароҳати олган. Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан маълум қилинишича, мазкур қўпорувчиликни амалга оширган террорчи воқеа жойида ҳалок бўлган.

Хунрезлик ортида ким тургани ўрганилмоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ STATE COMMERCIAL PEOPLE-BANK BANK

***Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича пухта ўйланган ислоҳотлар амалга оширилаётгани туфайли иқтисодиётда барқарор ривожланишга эришилмоқда. Энг муҳими, аҳолининг реал даромадлари кўпайиб, турмуши фаровон бўлиб бораётир. Бундай ижобий кўрсаткичлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бугунги мураккаб шароитда қўлга киритилаётгани, айниқса, эътиборга сазовордир.***



### Халқ банки:

# МОЛИЯВИЙ МАДАД — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Республикамиз макроиқтисодий барқарорлашув даражасининг тобора мустаҳкамланишида, айтиш мумкинки, молия муассасаларининг улуши салмоқли бўлмоқда. Нега деганда, саноат корхоналарини техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги қувватларни ишга тушириш билан боғлиқ лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилиши бевосита банкларнинг молиявий кўмаги балан амалга оширилади. Юртимиз иқтисодий ҳаётида кечаётган бундай қизғин жараёнда Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг Қашқадарё вилояти филиали ҳам фаол иштирок этаётир.

Бугунги кунда банк филиали 14 та туман бўлими, 26 та минибанки, 283 та шохобчаси ва 45 та махсус кассаси орқали юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатмоқда. Филиал жамоаси иш кўламини тобора кенгайтириб, аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб этиш, хўжалик субъектларига кредитлар ажратиш, пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобни жорий этиш ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизими иштирокчиларига хизмат кўрсатишда ижобий натижаларга эришмоқда.



— Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашувини янада кўпайтириш ва инвестицион фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори фаолиятимизни сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтарди, — дейди банкнинг

### Хизмат

вилоят филиали бошлиғи Қурбон Сариқов. — Мазкур қарорда белгилаб берилган вазифаларнинг тўла-тўкис бажарилиши эса, аҳолининг Халқ банкига бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда. Жалб қилинган умумий омонат қолдиғи 2010 йилнинг 1 март ҳолатига кўра, 12 миллиард 502,3 миллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3 миллиард 703 миллион сўмга кўпайгани фикримиз тасдиғидир. Бошқача айтганда, 142 фоиз ўсишга эришилди.

Филиал томонидан нақд пул маблағларини банк кассаларига жалб этиш ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини ривожлантириш бўйича ҳам муайян ютуқларга эришилмоқда. Масалан, 2010 йилнинг 2 ойида 23,4 миллиард сўм нақд пул тушуми таъминланган бўлса, шундан 1 миллиард 424 миллион 480 минг сўми коммунал тўловлар улушига тўғри келади. Эътиборлиси, маблағларнинг 91 фоизи биринчи даражали ижтимоий тўловларга йўналтирилди.

Тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизими тобора оммалашиб бораяпти. Ҳозирги кунда жойларда 734 та терминал ўрнатилгани, муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 60708 тага етгани шундан далолат беради, албатта. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида терминалларнинг узлуксиз ишлашига эришилганидан, айниқса, аҳоли мамнун бўлмоқда.

Банк филиаллари томонидан ажратилаётган кредит маблағлари ҳисобидан, асосан, турли хил минитехнологиялар ҳамда ихчам ускуналар сотиб олиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва маиший хизмат турларини ривожлантириш лойиҳалари молиялаштирилаяпти. Хусусан, 2010 йилнинг 1 март ҳолатига кўра, ажратилган кредитлар 32 миллиард 168,3 миллион сўмни ташкил этиб, унинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, жойларда фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган.

Шу ўринда, Халқ банкининг вилоят филиали тизими орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмаларининг молиявий-иқтисодий аҳволини яхшилаш бўйича бир талай лойиҳалар бўйича иш олиб борилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Масалан, «Ҳақберди ота» хусусий корхонаси банкнинг 100 миллион сўмлик имтиёзли кредити кўмагида Қарши тумани марказида қўшқаватли супермаркет биносини қуриб битказди. «Китоб деҳқон бозори» МЧЖга ажратилган 120 миллион сўмлик кредит ҳисобидан бозор таъмирланиб, замонавий кўринишга эга бўлди. Шаҳрисабздаги «Арслонбоп» МЧЖ раҳбари Равшан Бобоёровнинг сервис ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини ишга туширишида банкнинг 100 миллион сўмлик кредити қўл келди. Банкнинг 250 миллион сўмлик кредити шарофати билан эса Қарши шаҳридаги нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган «Истиқлол-С» корхонаси замонавий технология билан жиҳозланди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Халқ банкининг Қашқадарё вилояти филиали тизимидаги муассасаларда Баркамол авлод йилида хизмат кўрсатиш даражасини янада юксалтириш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида мавжуд имкониятлар ишга солиниб, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилинмоқда. Зеро, бу саъй-ҳаракатлар мамлакатимиз тараққиёти, эл-юрт фаровонлигини таъминлашда муҳим ўрин тутиши, шубҳасиз.

**Банк матбуот хизмати.** t

Мамлакатимиз аҳлини баҳор айёми —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий табриклаймиз.

Ҳар кунимиз
Наврўз каби янгиланишларга бой,
серфайз, фароҳли кечсин!

Ушбу қувончли кунларда ҳар бир
хонадонга бахт-саодат, тинчлик
ва фаровонлик тилаймиз!

БУХОРО НЕФТНИ
ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ
ЖАМОАСИ

# ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ

## механизмларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ҳаракат дастурини шакллантириш бўйича сўз борганлиги учун депутатлар ўз сайловчилари ҳамда партиясининг сайловолди дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, аниқ ва асосли таклифлар беришга ҳаракат қилишди. Шу маънода, қўмита йиғилиши нафақат жонли, балки фракциялар ўртасидаги жиддий баҳс-мунозара шаклида ўтди. Буни қўмита аъзолари билдирган фикрларда ҳам кўриш мумкин. Жумладан, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Ориф Шарипов ўз маърузасида шундай деди:

— Биз бугун қўмита иш режасини муҳокама қилар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, бизнинг фракциямиз аъзолари қўмитадаги фаолиятида асосий эътиборни, авваламбор, фермерлик ҳаракатини янада мустаҳкамлаш, аграр соҳага тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилиш учун шароит яратишга қаратади. Шу нуқтаи назардан айтганда, фаолиятимизнинг устувор йўналиши аграр соҳада бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, юқори технологик ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлашнинг қонуний асосларини мустаҳкамлашдан иборат. Фермер хўжаликлари ўз ишлаб чиқариш инфратузилмасига эга бўлишлари зарур. Шундагина улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариши, қайта ишлашни кенгайтириши, соҳага техника ва технологияларни самарали жорий этиши мумкин.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Жўрақўзи Қўлдошев эса унинг фикрига эътироз билдирди:

— ЎзЛиДеПнинг фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича қарашлари тушунарли. Лекин биз айнан шу фермер хўжаликларида меҳнат қилаётганларни ёддан чиқармаслигимиз керак. Айниқса, бозор иқтисодиёти ислоҳотлари чуқурлашаётган бир шароитда қишлоқда кескин табақаланишга йўл қўйиб бўлмайди. Фермер хўжаликларига бозор муносабатларини жорий этиш, меҳнат самарадорлигини ошириш ҳамда маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини кучайтириш билан боғлиқ талаблар иш ўринлари сонининг кескин камайишига олиб келмаслиги керак. Қолаверса, фермер хўжалигида меҳнат қилаётган ёлланма ишчиларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш учун ҳуқуқий меъёрларнинг самарали ишлашига эришишимиз лозим. Бу йўналишдаги вазифаларни амалга оширишда нафақат давлат фаол иштирок этиши керак, балки фермерларнинг ҳам ижтимоий масъулиятини юксалтириш лозим.

Фермерлар фақат янада кўпроқ фойда кўришни эмас, балки янги иш ўринлари яратиш, иш ҳақи миқдорини мунтазам ошириб бориш, қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётганларнинг ижтимоий ҳимояси ҳақида қайғуришлари ҳам айни заруратдир. Негаки, ўтган йили ҳукуматимизнинг саъй-ҳаракати билан қишлокда 500 мингдан зиёд иш жойи бунёд этилди. Истиқболда бу амалиётни янада оммалаштириш, яъни, етарли даражада моддий-техник базага эга, қўшимча иш ўринлари барпо эта оладиган, қишлоқ инфратузилмасини яхшилашга қодир фермер хўжаликлари ва тадбиркорларнинг бу хайрли юмушларни адо этишдаги роли ва масъулиятини ошириш керак.

— Бизнинг партиямиз аъзолари, асосан, зиёлилардан иборат бўлиб, юртимизнинг фан, муҳандислик, техника соҳаси вакиллари манфаатини илгари суради, — дея баҳсга қўшилади “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Алишер Акромов. — Шу боисдан қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, соҳага инновацион технологияларни жорий этишда ўз илмий-техник салоҳиятимизга, мамлакатимиз олим ва муҳандисларининг инновация ишланмаларига таянмоғимиз керак.

Шунинг учун бу борада қуйидаги жиҳатларни янада чуқур ўрганишимиз зарур. Қишлокда инновацияни қўллаётган, яъни турли муқобил йўллар билан энергия ва сувни тежаётган, шу асосда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаётган тадбиркорлик субъектларини рағбатлантиришни кучайтиришимиз керак. Айни пайтда қишлокда меҳнат қилаётганларни ижтимоий муҳофазалаш, бу борадаги муносабатларни тартибга солувчи амалдаги қонунчиликни чуқур таҳлил қилмоғимиз лозим. Биз истиқболда бизнес-тузилмаларнинг меҳнат қонунчилигига сўзсиз риоя этиши, қишлоқ хўжалигида ишлаётганларнинг меҳнат ва дам олиши учун зарур шароитларни яратиш бўйича ижтимоий масъулиятини ошириш керак, деб ҳисоблаймиз. Буларнинг барчаси, пировардида иш берувчи ҳамда ишчи-ходим ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига, қишлоқда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши лозим.

— Экоҳаракат ер-сув ресурсларидан муттасил фойдаланиш уларнинг ифлосланишига ҳамда емирилишига олиб келмаслиги керак, деб ҳисоблайди, — деди Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан депутат Ўктам Отақулов. — Шунинг учун қўмитамизнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқишда биз асосий эътиборимизни, аввало, амалдаги ва қабул қилинадиган қонунларда ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда сақлаш масаласини, шунингдек, ерларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган тадбирларни аниқ белгилаб қўйишга қаратамиз. Шу билан бир қаторда, сувердан фойдаланишда атроф-муҳитни асраб-авайлаш, бу борадаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик чораларини қўллаш бўйича ҳам қонун нормаларини аниқлаштиришга ҳаракат қиламиз.

Қолаверса, биз халқимизнинг азалий анъаналарини, жумладан, унинг ерни, сувни авайлаб-асрашдек қадриятларини мустаҳкамлаш тарафдоримиз. Қишлоқ хўжалигида табиий ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланишни кафолатловчи ҳуқуқий ва ахлоқий механизмларни такомиллаштиришда фаол қатнашиш истагидамиз.

— Албатта, қишлокда саноатни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигига инновациявий технологияларни изчил татбиқ этиш — долзарб масала, — дейди “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоси Лобархон Қосимова. — Аммо яна шундай муҳим масалалар ҳам борки, уларга жиддий қараш талаб этилади. Биз қишлоқларимизнинг ўзига хос маданияти ва ноёб ижтимоий муҳитини сақлаган ҳолда, унга янги, замонавий қиёфа бахш этишга интилишимиз керак. Негаки, биз мана шунда миллий тикланишнинг фалсафасини ва асосий мазмунини кўрамиз.

Айни пайтда қишлокда маданият муассасалари фаолиятини ривожлантириш бўйича фаол чоралар кўрилиши керак. Бугун у ерда давлат дастурларига мувофиқ, коллежлар, ахборот-ресурс марказлари, тиббий ва маданий муассасалар, замонавий уйлар қад ростлаяпти. Биз бу ерда таълим-тарбия олиш, ишга жойлашиш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар сифати ва самарадорлиги юксалиши тарафдоримиз. Шунингдек, маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш бўйича самарали чора-тадбирларни қўллаш талаб этилади.

Албатта, депутатларнинг бу фикр-мулоҳазалари чуқур таҳлил этилади ва шу асосда қўмитанинг истиқбол режалари ишлаб чиқилади. Ва табиийки, улар мамлакатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида парламент аъзолари олдига қўйган вазифаларни амалга оширишга йўналтирилиши, шубҳасиз.

**Пўлат ДОНИЁРОВ.**

# ФЛАНДРИЯДА ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кечанинг кўплаб меҳмонлари ўз таассуротларини изҳор этишди. Хусусан, “Тертравел” компанияси туроператори Силин Ван Гавел “Жаҳон” ахборот агентлигига берган интервьюсида ушбу маросим барчага Ўзбекистоннинг маданияти ва бугунги ҳаёти билан чуқурроқ танишиш имконини берганини таъкидлади.

Унинг сўзларига кўра, ўзбек халқининг бой тарихи ва ўзига хос маданияти европалик туристларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқишининг янада ошишига хизмат қилади. У, шунингдек, ушбу тадбир, шубҳасиз, бельгияликларни Ўзбекистоннинг маданиятига яқинлаштириш, уни яхшироқ англаш, иштирокчиларга мамлакат тарихи ва унинг бугунги ҳаёти ҳақида кўпроқ маълумот олиш имконини берганини қайд этди.

— Мамлакатингиз жуда ажойиб. Аминманки, Ўзбекистонга бориш истагида бўлган европаликлар сони йилдан-йилга тобора ошаверади, — деди Силин Ван Гавел.

Ўз навбатида, Гент шаҳри маданият маркази директори Петер Маас кеча ҳақида ўзининг қуйидаги мулоҳазаларини билдирди: “Мен мамлакатингиз анъанавий маданиятига бағишланган бугунги тақдимотдан олган улкан таассуротлар оғушида турибман. Маданият халқнинг барча хусусиятларини ўзида тўла мужассам этади. Мен Ўзбекистоннинг ўзига хос маданияти билан бельгияликларни янада кенгроқ таништиришни ўзим учун шараф деб биламан.

Такрор айтаманки, биз Ўзбекистон билан Бельгия ўртасидаги ҳар томонлама, айниқса, маданий йўналишдаги ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни давом эттираверамиз”.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель

## Қарор ва ижро

***Юртимизда аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, уларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш борасида барча имкониятлар яратилган.***

# ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Бунда, айниқса, соҳага оид қабул қилинган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этаётир. Президентимизнинг 2007 йил 19 февралдаги “Тошқинлар, сел оқимлари, қор кўчиш ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2010 йил 19 мартдаги “2010 йилда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудларини сел, тошқин ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари шулар жумласидандир.

Кеча пойтахтимизда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан “Сел, кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш чора-тадбирлари” мавзуида ташкил этилган матбуот анжуманида ҳам Юртбошимизнинг ушбу қарорлари ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Таъкидландики, айни пайтда мамлакатимизда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, улардан аҳолини муҳофаза қилиш борасида тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар ўртасида изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хусусан, “Ўзгидромет” маркази ҳамда Давлат геология қўмитаси тақдимномалари асосида доимий равишда хавфли ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳоли рўйхатига аниқлик киритиш, уларни хавфсиз жойларга кўчириш бўйича узлуксиз ишлар олиб борилмоқда. Маълумотларга кўра, ҳозиргача республикамизнинг 8 та вилоятидаги хавфли ҳудудлардан аҳоли бошқа жойларга кўчирилди. Сел, сув тошқини, кўчки ва бошқа ҳодисалардан талафот кўрган ҳудудларда 504 минг куб метр тупроқ, 6200 куб метр тош ва бетон, 11 погон километр ҳажмда қирғоқни мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилди.

Маълумки, бундай табиий ҳодисалар содир бўлиш эҳтимоли баҳор ва ёз фаслларида янада ортади. Шу боис тузилган ишчи гуруҳлари томонидан жойлардаги сел, тошқин ва кўчки ҳодисалари кутилаётган ҳудудлар ҳолати доимий назоратга олинган.

Тадбирда ана шулар ҳақида маълумот берилиши баробарида, бундай табиий ҳодисаларнинг олдини олиш, аҳоли орасида бу борада етарлича тушунча ҳосил қилиш учун тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

**Д. МУРОДОВ.**

# ИШБИЛАРМОНЛИК, ИНТИЛИШ ВА ФАОЛЛИК ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Андижон вилоятилик тадбиркор Исроилжон Ураимов раҳбарлик қилаётган “AL-HAKIM” корхонасида айни пайтда 85 киши меҳнат қилади. Ушбу жамоа аъзолари мато тўқиш, ундан мавсумий кийим-кечаклар тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланмоқдалар. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотларининг сифати юқори эканлиги боис ички бозорда унга талаб йил сайин ортиб бораяпти. Эҳтиёжни тўла қондириш мақсадида корхона цехлари ўтган йили хорижнинг 86 минг АҚШ долларилик замонавий ускуналари билан қайта жиҳозланди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошиб, 1 миллиард 218 миллион 958 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.



Жиззах вилоятидаги “Уста Сафар ота” фермер хўжалигининг сут маҳсулотлари ҳам ўзининг бежирим қадоқланганлиги ва юқори сифати билан иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Чунки фермер Дўстмамат Қодирқулов ишлаб чиқаришни замонавий технология асосида йўлга қўйган. Шу боис бу ерда тайёрланаётган қаймоқ, творог, қатиқ, йогурт каби 14 хилдаги сут маҳсулотлари халқаро стандартлар талабларига тўла жавоб беради. Энг муҳими, сут фермер хўжалигининг ўзида етиштирилаётгани боис маҳсулотларнинг нархи ҳам анча арзон.

Танловнинг республика босқичи иштирокчилари томонидан ана шундай рақобатбардош маҳсулотлар кенг кўламда намойиш этилди. Бу юртимизда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, қолаверса, “Ташаббус” кўрик-танлови бераётган улкан имкониятлар самарасидир.

...Соат 18:00. “Туркистон” санъат саройида “Ташаббус — 2010” кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бошланди. Ҳамма ҳаяжонда. Барчанинг хаёлида бир савол: мукофотлар кимларга насиб этаркин?

Сухандонлар бирин-кетин ҳайъат аъзоларининг хулосаси — совриндорлар номини эълон қила бошлади. Гал олий мукофот соҳибларини чорлашга келди. Ва ниҳоят, улар саҳнага чиқдилар. “Ташаббус — 2010” республика кўрик-танловида Қашқадарё вилоятидаги “Турон-Бунёдкор-Курилиш” инжиниринг компанияси раҳбари Эркин Тўхтаев “Энг яхши тадбиркор” деб топилди. “Энг яхши фермер” деган номга Наманган вилоятидаги “Чашмаи сафед” фермер хўжалиги раҳбари Ҳамидхон Мўйдинхўжаев лойиқ кўрилди. “Энг яхши ҳунарманд” йўналиши бўйича ғолиблик эса тошкентлик ёғоч ўймакорлиги устаси Камолиддин Раҳимовга насиб этди.

Ғолибларга Президент совғаси — “Матиз” автомобилларининг калитлари ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

— Президентимиз совғасини олиш юртимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг энг улкан орзусидир. Бугун шундай шарафга эришганимдан ниҳоятда бахтиёрман, — дейди кўрик-танлов ғолиби, тадбиркор Эркин Тўхтаев. — Биз, тадбиркорларни доимо қўллаб-қувватлаётган, имтиёзлар бериб, фаолиятимизни кенгайтиришга шарт-шароитлар яратиб бераётган муҳтарам Юртбошимизга минг бора раҳмат айтамиз. Меҳнатимизга берилган бундай юқори баҳога муносиб бўлишга, билдирилган ишончни доимо оқлашга ҳаракат қиламиз. Шу маънода, миллий иқтисодиётимизнинг гуркураб ривожланишига муносиб ҳисса қўшиш фаолиятимизнинг асосий мезони бўлиб қолаверади.

Бундан ташқари, “Энг ёш тадбиркор”, “Энг яхши тадбиркор аёл” қўшимча номинациялари, шунингдек, Баркамол авлод йили муносабати билан жорий этилган “Энг яхши инновацион лойиҳа”, “Энг яхши корхона — ёшларга иш берувчи”, “Менинг юртим — менинг ифтихорим” сингари махсус номинациялар бўйича ҳам совриндорлар номи аниқланиб, тақдирландилар.

Совринлару мукофотлар муборак бўлсин, тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар! Мамлакатимиз ривожи йўлида ташаббус кўрсатиб, ҳеч қачон толманг, иқтисодиётимизнинг таянч устунлари!

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов сўзга чиқди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ДОИМИЙ ЭЪТИБОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини чуқур сингдириш долзарб вазифалардандир. “Баркамол авлод йили” Давлат дастурида мазкур йўналишда ҳам қатор вазифалар белгиланган.

Йиғилишда ана шулар хусусида сўз юритилиб, бу борадаги муаммо ва камчиликлар атрофлича муҳокама этилди.

Бугунги кунда вилоят аҳолисининг 38,9 фоизини вояга етмаганлар ташкил этади. Умумтаълим мактабларида ўқувчиларга таълим-тарбия беришда давлат таълим стандартларига қатъий риоя этиш, ўқув жараёнининг сифати ва самарадорлигини ошириш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш йўлида муайян ишлар олиб борилмоқда. Таълим масканларида ташкил этилган 22 мингдан ортиқ фан тўгаракларига 349 минг нафар, уста-шогирд тўгаракларига эса 23 мингдан ортиқ ўқувчи жалб этилган. Шунингдек, 74 та мактабдан ташқари таълим муассасаларида ёшларнинг қизиқишларига мос фан тўгаракари фаолият кўрсатмоқда. Шаҳар ва туманларда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, уларни диний экстремизм, миссионерлик, ақидапарастлик каби ёт оқим ва ғоялар таъсиридан асраш мавзуида турли тадбирлар ташкил этиш яхши анъанага айланган.

Йиғилишда ёш авлодни миллий мафкура, инсонпарварлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳудудий ташкилотларга ёрдам кўрсатишни янада яхшилашга доир мулоҳазалар билдирилди. Вояга етмаганлар билан ишлашда айрим туманларда камчиликларга йўл қўйилаётгани қайд этилди. Фарғона, Марғилон, Қувасой шаҳарлари ҳамда Бешариқ, Учкўприк, Фарғона туманларида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар сони ошгани, айниқса, ташвишлидир. Шунингдек, жойларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, таълим муассасалари билан ҳамкорликни кучайтириш, болалар қаровсизлигининг олдини олиш ҳамда йигит-қизларни иш билан таъминлаш борасида муайян камчиликлар учрамоқда.

Тадбир ниҳоясида мавжуд камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари ва келгусидаги вазифалар белгиланди.

Йиғилишда Фарғона вилояти ҳокими Ҳ. Неъматов иштирок этди.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Аҳолини иш билан таъминлаш ва бу орқали уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш мамлакат равнақини белгиловчи асосий омиллардан ҳисобланади. Шу маънода, давлат иқтисодиёти қанчалик тараққий этса, аҳоли турмуши ҳам шунчалик тўкин бўлиб бораверади. Бугун мамлакатимиз иқтисодиётида кузатилаётган ижобий ўзгаришлар, мислсиз муваффақият ва ютуқлар, энг аввало, турмуш шароитимизда яққол акс этаяпти. Негаки, юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб бандликни таъминлаш, янги иш жойлари яратиш, умуман, аҳоли даромадларини ошириш ва турмуш даражасини юксалтириш масаласига устувор вазифа сифатида қараб келинмоқда.***

# БАНДЛИК — ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг, олиб борилаётган чора-тадбирларнинг нечоғли тўғри ва оқилона эканлиги, айниқса, кейинги йилларда яна бир бор ўз тасдиғини топмоқда.

Биламизки, сўнгги пайтларда дунё бўйлаб кузатилаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз кўплаб мамлакатлар иқтисодиётини танг аҳволга солиб қўйди. Қатор йирик-йирик корхона ва корпорациялар эса инқироздан чиқиш, аввалги салоҳиятни сақлаб қолиш учун иш ўринларини қисқартиришни маъқул кўрмоқдалар.

Масалан, Американинг энг йирик нефть компанияларидан бири “Chevron”да айни пайтда 60 мингдан ортиқ киши меҳнат қилади. У бир кеча-кундузда 2,5 миллион баррель нефть маҳсулотлари қазиб олиб, қайта ишлаш имкониятига эга. Мазкур компания жорий йилда 2 мингга яқин ходимини ишдан бўшатишни режалаштираяпти. Чунки компания ўтган йилни 10,48 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар билан якунлади. Компания мутахассислари бу чора кўрилган зарарни маълум даражада қоплаши мумкин, дея баҳолашмоқда.

Франциянинг “Carrefoir” савдо тармоғи эса шу йилнинг июнь ойигача қадар Бельгиядаги 21 дўконини ёпишга қарор қилди. Натижада тармоқ вакилларининг салкам икки минг нафари вазифаларидан бўшатилади.

Умуман, Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, ўтган йили айнан инқироз туфайли дунё бўйича 212 миллион нафар киши иш жойидан ажралган. Уларнинг 10,2 миллион нафари ёш ходимлардир. Ишсизлик даражаси эса 6,6 фоизга кўтарилган. Мутахассисларнинг фикрича, бу жараён жорий йилда ҳам яхши томонга ўзгариши даргумон. Шунингдек, таҳлилчилар ишсизлик даражаси Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳиссасига янада кўпайганини таъкидлаганлар.

Хуллас, бугунги кунда ана шундай маълумотларга бот-бот дуч келаяпмиз. Дунё мамлакатлари инқирознинг олдини олиш, унинг оқибатларини юмшатиш борасида имкон қадар чоралар ишлаб чиқаётган бўлса-да, аҳволнинг ижобий томонга ўзгариши яққол кўзга ташланмаяпти. Боз устига, бундай салбий ҳолат ижтимоий мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар қисқартирилишига ҳам олиб келмоқда.

## Таҳлил ва таққос

Мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган изчил ислоҳотлар, аввало, инсон манфаати, унинг муносиб ҳаёт кечириши ва турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилгани билан эътиборга моликдир. Хусусан, аҳолини иш билан таъминлаш ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, Президентимизнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобида қайд этилган ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурида белгилаб олинган вазифалар мазкур шароитда ўз самарасини берди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Зеро, унда аҳолини иш билан таъминлаш, халқимиз турмуш даражасини янада яхшилаш масалалари аниқ кўрсатиб ўтилди ва бу амалда ўз самарасини бермоқда. Жумладан, республикамизда 2009 йилда 940 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилгани, шундан қарийб 500 минги қишлоқ жойларда эканлиги сўзимиз исботидир.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва уларни ўзига хос меҳнат турларига жалб қилиш, даромад манбаларини шакллантиришда давлатимиз раҳбари томонидан ҳаётга татбиқ этилган қатор Фармон ва қарорлар ҳам муҳим омил бўлаётир. Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Гап шундаки, мазкур ҳужжатларга асосан, иш билан таъминлаш ва даромад топишнинг қўшимча манбалари яратилди. Касаначилик, айниқса, хотин-қизлар, кўп болали аёллар ва кўмакка муҳтож бошқа шахсларни ишлаб чиқаришга жалб этишда, фермер ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқишни кўпайтириш эса қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

Бандлик масаласи ҳақида гап кетганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳам алоҳида айтиб ўтмоқ жоиз. Негаки, айни пайтда улар иқтисодиётимизнинг етакчи вакилларига айланиб, республика ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарилишидаги улуши тобора ортиб бормоқда. Яратилаётган имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, фаолиятини тобора ривожлантириб бораётган бундай тадбиркорлар сафи эса йилдан-йилга кенгаймоқда.

Чуст шаҳридаги “Водий жавоҳири” хусусий корхонаси ҳам ўтган йили фаолиятини бошлаган тадбиркорлик субъектларидан бири. Бу ерда ўнга яқин хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Асосан, меҳмонхона ва идоралар учун мўлжалланган пардалар, мебель ғилофлари сингари маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона маҳсулотлари юқори сифати ва бежиримлиги билан ажралиб туради.

— Ҳозирги кунда буюртмалар асосида ишлаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Ирода Эшонхўжаева. — Қувонарлиси, қисқа вақт ичида маҳсулотларимиз ўз харидорларини топиб, уларга бўлган талаб кун сайин ортиб бораяпти. Шу боис фаолиятимизни янада кенгайтириб, ёшларни чеварчиликка ўргатиш ниятидамиз.

Қисқа қилиб айтганда, мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари жорий йилда ҳам изчил давом эттирилади. Чунончи, “Баркамол авлод йили” Давлат дастурида ҳам ушбу масалаларга кенг аҳамият қаратилгани, бунда, айниқса, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларини тамомлаган ёшларни иш билан таъминлаш эътиборга олингани диққатга сазовор. Бу саъй-ҳаракатлар тезда ўз самараларини бериши, пировардида халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилиши муқаррардир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Иқтисодиёт — жамият турмушининг асоси. У қанчалик ривожланган бўлса, давлат ҳам шунчалик кучли, шунингдек, халқнинг турмуш даражаси ва фаровонлиги ҳам юқори бўлади. Шу боис бозор шароитида барқарор иқтисодий ўсишга эришиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун мамлакатимизда иқтисодиётнинг потенциал имкониятларини сафарбар этиш билан бир вақтда, аниқ мақсадга йўналтирилган ва ҳар томонлама пухта ўйланган иқтисодий ривожланиш стратегияси амалга оширилмоқда.*

*Молия муассасалари — банклар миллий иқтисодиёт тармоқларининг чуқур таркибий қайта қурилишини таъминловчи сиёсатни рўёбга чиқаришда, ижобий макроиқтисодий динамикани таъминлашда муҳим роль ўйнаяпти. Зеро, Президентимиз 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек: "Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб, айни пайтда у белгиланган қатор нормативлар бўйича мустаҳкам позицияларга эга".*

*Маълумки, юртимизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг ҳар бири ўз мақсад-йўналишларига эга. Молия муассасалари орасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг алоҳида ўрни бор.*

*Таъкидлаш жоизки, Миллий банк доимий равишда жадал ривожланиб, банк хизматлари бозоридаги ўз иштирокини тобора кенгайтириб бормоқда: 2009 йил якунларига кўра, хизмат кўрсатилаётган мижозлар умумий миқдори 2 миллиондан ошди, банк жамлама баланси (миллий валюта эквивалентида) мутлақ суммада 5 трлн. 897 млрд. сўмни, кредит портфели ҳажми (миллий валюта эквивалентида) эса 2 трлн. 335 млрд. сўмни ташкил этди. Уларнинг 75 фоизи инвестиция кредитларидир. Миллий банк сармояси 2009 йил бошидан буён 70,5 млрд. сўмга кўпайиб, 670,2 млрд. сўмга етди.*

*Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки юртимиздаги иқтисодий ўзгаришларнинг фаол иштирокчисидир. Инвестиция фаолияти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллий хом ашё ҳисобидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар бўш пул маблағларининг депозитларга жалб этилишини рағбатлантириш каби давлат дастурларини қўллаб-қувватлаш унинг асосий фаолият йўналишлари ҳисобланади. Банк бунинг учун ҳам жалб этилган, ҳам ўзига тегишли ресурслар ҳисобидан инвестиция дастурларига оид лойиҳаларни, кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштириш, иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш ва уларнинг мамлакат бозорида барқарор ишлашини таъминлашга кўмаклашиш каби қатор вазифаларни амалга оширмоқда.*



# «Ўзмиллийбанк»: ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

## Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш — устувор йўналиш

«Ўзмиллийбанк» кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда тадбиркорлик ташаббусини қўллаб-қувватлашга доимий равишда эътибор қаратиб келмоқда. Бу борада у хорижий молия ресурсларини жалб этувчи асосий восита вазифасини бажараяпти. Ислом тараққиёт банки (ИТБ), Хитой давлат тараққиёт банки (ХДТБ), Корея Эксимбанкининг кредит йўналишлари доирасида Миллий банк томонидан умумий қиймати 507,9 млн. АҚШ долларилик 237 та лойиҳа танлаб олинган. Улар бўйича ажратиладиган кредитлар суммаси 305,2 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Фақат 2009 йилнинг ўзида «Ўзмиллийбанк» томонидан умумий қиймати 30,5 млн. АҚШ долларига тенг 44 та лойиҳа молиялаштирилди. Хусусан, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришга 11 млн. АҚШ доллари, ихтисослаштирилган техника олиб киришга 8,8 млн. АҚШ доллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 3 млн. АҚШ доллари, қурилиш материаллари тайёрлашга 2,4 млн. АҚШ доллари йўналтирилди.

Миллий банкнинг енгил саноат, кимё саноати, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳаларни ривожлантиришга ажратаётган кредитларига тадбиркорлар орасида талаб ниҳоятда катта. Банк ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан ускуналар сотиб олиш, саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари ёки компанияларни модернизациялаш ва фаолиятини кенгайтиришни кўзда тутувчи лойиҳаларни молиялаштирмоқда. Масалан, «LAZZAT Meva» МЧЖ ҚКга нон-буханка маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускуналари сотиб олиш (1,9 млн. АҚШ доллари), «СМП-351» ОАЖ учун МДФ плиталар тайёрлаш ускуналари харид қилиш, «Пола коммерц» МЧЖда қурилиш материаллари ишлаб чиқарилишини техник қайта жиҳозлаш (1,35 минг АҚШ доллари), шунингдек, «Асакатекстиль» АЖда ип ишлаб чиқариш дастгоҳлари сотиб олиш (980 минг АҚШ доллари) лойиҳалари молиявий қўллаб-қувватланди.

Миллий банк томонидан кичик бизнес субъектларига миллий валютада ўз маблағлари ҳисобидан берилган, шу жумладан, бюджетдан ташқари фондлар йўналишлари бўйича ажратилган кредитлар ҳажми 305 млрд. сўмни ташкил этди. Хусусан, «Хоразм холод» ҚКга музқаймоқ ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 200 млн. сўм, «МЕФ Инвест Навоий» МЧЖга иссиқхоналар қуриш учун 1,8 млрд. сўм, «АКВА Тўдакўл» ҚКга балиқчилик хўжалигини ривожлантириш учун 600 млн. сўм, «Стеклопластик» ОАЖга мактаб жиҳозлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун 3 млрд. сўм ажратилди.

Энг муҳими, банк томонидан берилган кредитлар ҳисобига ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан бирга, 8,1 мингта янги иш ўринлари барпо этиш имконияти яратилди. Бу орқали ҳам маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, ҳам аҳоли фаровонлигини оширишга ҳисса қўшилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, тадбиркорлар орасида микрокредитларга талаб, айниқса, катта. Фақат 2009 йилнинг ўзида барча молиялаш манбаларини жалб этган ҳолда, «Ўзмиллийбанк» томонидан 30,8 млрд. сўмлик 4,2 мингта кредит ажратилди. Кичик ва хусусий тадбиркорлар, фермерлар, шахсий, оилавий бизнесга микрокредитлар беришнинг соддалаштирилган тартиби уларни рағбатлантириш ҳамда ривожлантиришнинг асосий омилига айланмоқда.

## Йирик лойиҳалар

Кўп йиллик иш тажрибаси, халқаро рейтинглар билан қайта-қайта тасдиқланган пешқадамлик, шунингдек, юксак малакага эга мутахассислар Миллий банкнинг умуммиллий аҳамиятга эга хўжалик объектларини ривожлантиришни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашида муҳим ўрин тутаётир. Гап мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишда ўзига хос аҳамият касб этувчи бир қатор йирик лойиҳалар ҳақида кетмоқда. Хусусан, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини реконструкция қилиш, Навоий кон-металлургия комбинати учун кон қазиш ускуналари етказиб бериш, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКга Ғарбда ишлаб чиқарилган авиалайнерларни молиявий лизинг асосида етказиб бериш каби кўплаб лойиҳалар шулар жумласидандир.

Хорижий инвестициялар банк томонидан мамлакат иқтисодиётининг амалда барча тармоқларига жалб этилмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирининг олдини олиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш, иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражаси ҳамда молиявий барқарорлигини янада ошириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга инвестицияларни кенг жалб этиш мақсадида банк томонидан 2009 йилда йирик инвестиция лойиҳалари бўйича қарийб 498,5 млн. АҚШ доллари, миллий валютада қарийб 681,5 млрд. сўм қийматидаги лойиҳалар кўриб чиқилиб, молиялаштирила бошланди.

Мамлакат ёқилғи-энергетика комплекси Ўзбекистон саноатининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Айтиш жоизки, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ишончлилиги ва хавфсизлиги айнан энергетика комплексининг барқарор ҳамда самарали ишлашига боғлиқдир. «Ўзбекэнерго» ДАКнинг умумий кредит эҳтиёжи 427 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи бир қанча лойиҳаларини Миллий банк томонидан молиялаш ишлари бошланган. Булар Навоий иссиқлик электр станциясини модернизациялаш ва унда буғ-газ қурилмасини барпо этиш, 500кВт қувватга эга Ғузор — Сурхон юқори вольтли линияси ҳамда Сурхон нимстанцияси қурилиши кабилардир.

Кон қазиш саноати, хусусан, нефть-газ комплекси ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишида устувор аҳамиятга эга. Шуни таъкидлаш лозимки, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун Миллий банк ажратган кредитларнинг катта қисми Ўзбекистон Республикасининг нефть ва газ тармоғини ривожлантиришга қаратилган. Ҳозирги кунда Миллий банк томонидан «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг ишлатилаётган бурғилаш қурилмаларини янгилаш лойиҳаси молиялаштирилаяпти. «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналарини бурғилаш қурилмалари ва 3D сейсмоқидирув комплекслари билан жиҳозлаш учун 177,6 млн. АҚШ доллари ажратилган. Ушбу ҳолат нафақат вертикал, айни пайтда горизонтал усулда бурғилаш йўли билан газ ва нефть қазиб олишнинг кундалик ҳажмларини ошириш имконини беради. Шунингдек, мазкур бурғилаш қурилмаларидан республиканинг янги конларида геология-қидирув ишларини олиб боришда фойдаланилади. Бу ҳам маҳсулот қазиб олиш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш ҳажмларини кўпайтириш учун имконият яратади.

Бундан ташқари, ҳозирги вақтда умумий кредит эҳтиёжи 99,9 млн. АҚШ долларини ташкил этадиган «Қўнғирот» компрессор станциясида газ қуритиш объекти қурилиши» ҳамда «Қамчиқ довони орқали «Оҳангарон — Пунгон» магистраль газ қувури ўтказиш» лойиҳалари бўйича молиялаш ишлари бошланган. «Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўъба корхонасида суюлтирилган газ ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун пропан-бутанли аралашма қурилмаси барпо этиш лойиҳаси бўйича молиялаш ишлари бошланиш арафасида турибди. Лойиҳанинг умумий кредит эҳтиёжи 190,39 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнида транспорт коммуникациялари — темир йўл, ҳаво йўллари ва автотранспорт тизимларини ривожлантириш ҳам катта ўрин тутади. Тошкентдагидан ташқари яна 12 та ҳудудий аэропортни ўз ичига олувчи «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ҳақида тўхталсак. Ҳозирги вақтда умумий суммаси эквивалентда 41,3 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган «Навоий шаҳри аэропортини реконструкциялаш ва модернизациялаш (II босқич)» лойиҳаси бўйича молиялаш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу аэропорт ҳар қандай турдаги, шу жумладан, хорижий авиакомпанияларнинг авиалайнерларини қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлади. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКнинг ҳаво кемалари паркини янгилаш ва унификациялаш» лойиҳасини амалга ошириш мақсадида Миллий банк томонидан 1,2 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги кредит битими имзоланди. Жорий йилда ушбу лойиҳанинг «А-320-200» типидаги олтита самолёт ва битта захира двигатель сотиб олишдан иборат биринчи босқичини амалга ошириш доирасида банк 69,6 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги молиялаш ишларини бошлаган.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК компанияси тизимини ҳам замон талаблари даражасига олиб чиқиш бўйича кенг кўламлиислоҳотлар олиб борилмоқда. Чунончи, Миллий банк умумий кредит эҳтиёжи 70,1 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган лойиҳа — Хитойда ишлаб чиқарилган йўловчи электровозларидан 15 тасини сотиб олиш учун маблағ ажратмоқда. Бундан ташқари, Миллий банк умумий кредит эҳтиёжи 151,5 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги яна бир лойиҳа — «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўл линияси қурилиши» лойиҳаси бўйича молиявий агент вазифасини бажараяпти.

«Ўзмиллийбанк», айни пайтда, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга ҳам ҳисса қўшмоқда. Жумладан, банк Андижон вилоятидаги «Раиш-Хакент»-1, «Улуғнор» ва «Гулбаҳор 1К» насос станцияларини реконструкциялаш, Фарғона, Марғилон шаҳарлари ҳамда бошқа аҳоли пунктларининг сув билан таъминланишини тубдан яхшилаш лойиҳаларини қўллаб-қувватламоқда. Мазкур лойиҳаларнинг умумий кредит эҳтиёжи 58,1 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

## Кафолатли омонатлар

Республика аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини режа асосида ошира бориб, Миллий банк, бир неча йилдирки, омонатлар бозорида пешқадамлик қилиб келмоқда.

Фуқароларнинг ижтимоий ва ёшга оид тоифаларини ҳисобга олиб, депозитлар турлари доимий равишда кўпайтирилмоқда ва янгиланмоқда, Банкнинг ўз нарх ва тариф сиёсати жадал ўзгариб турган иқтисодий ҳамда техникавий омиллар билан боғлиқ тарзда шакллантирилаяпти. Чунончи, аҳолининг бўш пул маблағлари омонатларга жалб этилишини янада рағбатлантириш мақсадида 2009 йил мобайнида банк томонидан 30 та янги омонат амалга киритилди. Шулардан 26 таси миллий валютада, 4 таси эса хорижий валютада. Хусусан, 16 ёшгача бўлган болалар учун миллий валютада очиладиган «Болажон» омонати, ютуқлар ўйналадиган «Ютуқли» омонати ҳамда АҚШ доллари, евро ва Англия фунт стерлингида очиладиган, омонатчига у сақланадиган муддат давомида валюталарни шу омонат доирасида конвертациялаш имкони бериладиган «Привилегия» муддатли мультивалюта омонати шулар жумласидандир.

## Барқарорлик таъминланмоқда

Ҳозирги вақтда Миллий банк мамлакатимизда «Moody's», «Standard and Poor's» халқаро агентликларининг рейтингларини, шунингдек Россиядаги энг йирик «Эксперт РА» рейтинг агентлигининг «А» тоифасидаги рейтингини олган кредит-молия муассасасидир. Банк фаолиятининг ижобий баҳоланганлиги унинг хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқаришда ҳамда халқаро савдо операциялари бўйича хизматлар кўрсатишда пешқадамлик қилаётганлигини акс эттиради.

«Moody's» экспертларининг фикрича, давлат юритаётган, катта ресурслар тўпланишига ёрдам берган пухта сиёсат натижасида истеъмол кўпайиши ҳисобига ички маҳсулотга бўлган талаб ошган ва бу ҳолат инқироз бартараф этилиши ҳамда иқтисодий ўсишга олиб келган.

Ҳукумат томонидан юритилаётган инқирозга қарши сиёсатни, Миллий банкнинг мамлакат банк-молия хизматлари бозоридаги етакчилик мавқеини ҳамда унинг фаолиятидаги ижобий кўрсаткичларни ҳисобга олиб, «Moody's» агентлиги «Ўзмиллийбанк» фаолияти кўрсаткичларини такроран таҳлил қилди ва илгари миллий валютадаги депозитлар бўйича «Ва3» (Барқарор) даражасида берилган рейтингни ҳамда молиявий барқарорлик бўйича (BFSR) «Е+» даражасидаги рейтингни тасдиқлади. Ушбу халқаро агентлик Миллий банкка хорижий валютадаги депозитлар бўйича берилган рейтингни ошириб, уни «В3» даражасидан «В2» даражасига чиқарди. Бундан ташқари, «Standard and Poor's» агентлиги берган рейтинглар ҳам тасдиқланди.

Нуфузли халқаро агентликлар томонидан «Ўзмиллийбанк»ка берилган рейтинглар танланган ривожланиш стратегияси тўғрилигини ҳамда банк ички ва ташқи бозорларда етакчилик қилаётганини яна бир бор кўрсатди.

**«Ўзмиллийбанк» матбуот хизмати.**

## Пластик карточка — ҳар томонлама қулай

Миллий банк карточка хизматлари бозорида фаол иш олиб бораётгани туфайли 2009 йил бошидан буён қарийб 454,4 мингта карточка муомалага чиқарилди. Уларнинг умумий сони 1773,6 мингтага етди, карточкалар бўйича бажарилган операциялар умумий ҳажми эса 517 млрд. сўмни ташкил этди.

Карточка маҳсулотларини оммалаштириш мақсадида банк доимий асосда реклама тадбирларини олиб бораяпти, корхона ва ташкилотларни иш ҳақи лойиҳаларида қатнашишга жалб этиш борасидаги фаол ишлар давом эттирилмоқда. Иш ҳақи лойиҳалари доирасида 541,9 мингта пластик карточка муомалага чиқарилди.




Умуман, 2009 йил давомида сўм пластик карточкаларни тўлов воситаси сифатида қабул қилувчи савдо терминаллари орқали нақд пулсиз ўтган тўловлар ҳажми 446 млрд. сўмдан ошди. Республикамиздаги дорихоналар, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари, қаҳвахоналар, ресторанлар, авиа ва темир йўл кассалари каби савдо-сервис корхоналарида ҳамда жамоат фойдаланадиган бошқа жойларда 7262 та савдо терминали ўрнатилган. Савдо-сервис корхоналари ва банк муассасаларига жойлаштирилган терминаллар умумий миқдори 7382 тани ташкил этади.

Ҳозирги кунда Миллий банк замонавий банк хизматлари кўрсатишни аҳоли гавжум яшайдиган жойларга имкон қадар яқинлаштириш учун керакли барча чораларни кўрмоқда. Шу мақсадда ихтисослаштирилган кассалар ва минибанклар тармоғи кенгайтирилаяпти. Уларда жисмоний шахсларга омонатлар очиш ва бериш, улардан коммунал ҳамда бошқа тўловларни, жумладан, тўлов воситаси сифатида пластик карточкалардан фойдаланиб қабул қилиш ҳамда бошқа шу каби хизматлар кўрсатилаяпти. Чунончи, 2009 йилда жамғарма кассаларида коммунал ва бошқа хизматлар учун тўлов сифатида 90 млрд. сўм қабул қилинди. Бу эса, ундан аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баравар кўп. Жумладан, 115 та махсус кассада (шулардан 10 таси минибанклар) 57 млрд. сўм ҳажмидаги тўловлар қабул қилинди. Ҳам нақд шаклда, ҳам пластик карточкалардан нақдсиз тўлов йўли билан қабул қилинган бу маблағлар шундай тўловлар умумий ҳажмининг 63 фоизини ташкил этди.

Банклараро жўнатмалар бўйича ҳам, халқаро тизимлар орқали амалга ошириладиган тезкор пул жўнатмалари бўйича ҳам операциялар бажарилиши жисмоний шахсларга омонат ҳисобварақлари очиш йўли билан кўрсатилаётган хизматлар орасида энг кўп талаб қилинаётганларидан биридир.

Миллий банк ҳозирги кунда «Western Union», «Migom», «Тезкор почта» ва «Азия Экспресс» тизимлари орқали, шу жумладан, «Contact», «Лидер» ва «Unistream» тизимларига кирган вакил банклар тармоғидан фойдаланган ҳолда, халқаро пул жўнатмаларини амалга ошираяпти. Фақат 2009 йилнинг ўзида бундай операциялар умумий ҳажми 105,3 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Шундан 91,4 млн. АҚШ доллари тўланган жўнатмалардир.

## Инвестиция — ривожланиш омили

*Банклар банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва фаолиятини тиклаш, уларни техник ҳамда технологик жиҳатдан модернизациялаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш юзасидан ўз зиммаларига инвестиция мажбуриятларини олганликлари иқтисодиётни янада мустаҳкамлашнинг энг муҳим омилларидан биридир.*

*Тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган «Chinoz textile», «Oqsaroy Textile» масъулияти чекланган жамиятлари, гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Horazm Gilamlari» МЧЖ, қувурлар ишлаб чиқарувчи йирик корхонлардан ҳисобланган «Asia Pipeplast» МЧЖ ва «Sogdiana Pipeplast» МЧЖ, озиқ-овқат саноати корхоналари — «Azia Biskvit», «Azia Ays» МЧЖ каби ва бошқа кўплаб янги ташкил этилган корхоналар ўз муассиси — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки туфайли жадал ривожланиш босқичига кирдилар.*

*Янги корхоналарнинг активларини бошқариш, шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар янада кўпроқ кириб келишини рағбатлантириш мақсадида банк томонидан иккита шўъба инвестиция компанияси — «NBU Invest Group» ва «NBU Investment» компаниялари таъсис этилди. Уларнинг асосий вазифаси иқтисодий қийинчиликларга дуч келган ишлаб чиқариш корхоналари самарали бошқарилишини, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрланишини таъминлаш, шунингдек, инвесторларни қидириб топиб, уларга компанияларни сотишдан иборат. Бу борада ҳаммаси бўлиб 29 та янги корхона ташкил этилган ва улар бошқариш учун банкнинг инвестиция компанияларига топширилган. Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда ўша йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги фармонлари ушбу соҳада қўйилган муҳим қадам бўлди.*

*Банк ишлаб чиққан чора-тадбирлар дастури корхоналарни тўлиқ ишлаб чиқариш қувватига олиб чиқиш, рақобатбардош маҳсулот тайёрланишини таъминлаш, қўшимча иш ўринлари яратиш имконини беради. Қисқа муддатларда ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш, энг илғор технологияларни жалб этиш, халқаро сифат стандартларига ўтиш ва шу тариқа, ҳам ташқи, ҳам ички бозорларда барқарор мавқени таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.*



*2010 йил 1 январь ҳолатига кўра, Миллий банкнинг шўъба корхоналарида 34,98 млрд. сўмлик товарлар ишлаб чиқарилди ва 4329 та янги иш жойи барпо этилди.*

*Банк томонидан молия бозори муассасаларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, инвестицияларнинг бир қисми банклар, лизинг компаниялари ва суғурта компанияларига йўналтирилган.*

*Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш банк инвестиция фаолиятида алоҳида ўрин тутади. «Ўзмиллийбанк» «Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖ, «Ўзавиализинг» ОАЖ ва «Ўзметкомбинат» АИЧБ каби корхоналарнинг акциядори ҳисобланади.*

*Ҳозирги кунда Миллий банкнинг корхоналар устав сармояларига уларнинг акциялари ва улушларни сотиб олиш йўли билан инвестициялар сифатида йўналтирилган жами маблағлари 356,5 млрд. сўмни, инвестиция портфели ўсиши эса 2009 йилда 317 млрд. сўмни ташкил этди.*

*Қимматли қоғозлар ва улушларга инвестицияларни амалга ошираётганда, банк инвестиция сиёсати фаолият кўламларини кенгайтириш, қўшимча мижозларни жалб этиш билан бир қаторда, асосий мезон сифатида фонд портфелининг даромадлилиги таъминланишини кўзда тутади. Ҳисобот йилида олинган даромадлар 1639,4 млн. сўмни ташкил этди.*

*Миллий банк инвестицион-банк хизматлари комплексини тақдим этиш йўли билан траст, брокерлик, шунингдек, маслаҳат хизматлари кўрсатиш фаолиятини жонлантирди.*

*Банкнинг капиталлашув даражасини янада ошириш ҳамда ресурс базасини мустаҳкамлаш учун унинг депозит ва жамғарма сертификатларини чиқариш орқали аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларининг вақтинча бўш пул маблағларини жалб этиш ишлари фаол олиб борилди. 2009 йилда умумий қиймати 8 млрд. сўм бўлган ютуқли жамғарма сертификатлари чиқарилди. Юридик шахслар учун 94,3 млрд. сўмлик депозит сертификатлари ҳамда жисмоний шахслар учун 7 млрд. сўмлик жамғарма сертификатлари жойлаштирилди.*

**XIX** *аср туркман адабиётини Мулланафаснинг лирикасидан холи кўз олдимизга келтира олмаймиз.*

***Мулланафас 1810 йилда ҳозирги Туркманистон Республикасининг Марв вилоятида, мулла Қодирберди оиласида туғилади. Унинг отаси ўз даврининг саводли кишиларидан бири бўлган. Шунинг учун ҳам у ўғлининг билимли инсон бўлиб етишишини истаган ва унинг таълим олиши учун зарур шароитларни яратиб беради. Мулланафас ўз қишлоғида бошланғич таълим олгандан сўнг Марв мадрасаларида ўқишни давом эттиради. Кейинчалик эса у Бухоро мадрасасида бир неча йил таълим олади. Мадрасани тамомлаб ўз қишлоғига қайтгандан сўнг Мулланафас болаларни ўқитиш билан шуғулланади.***

# АТОҚЛИ ШОИРГА ЭҲТИРОМ

## Мулланафас таваллудининг 200 йиллигига

Мулланафасда лирикага, шеър ёзишга қизиқиш ёшлигидан бошланган. Дастлаб у кичик-кичик шеърлар ёзиб тажриба тўплайди. Мадрасаларда Шарқ мумтоз адабиётининг нодир асарлари билан яқиндан танишув шеърият сирларини эгаллашида маҳорат мактаби вазифасини ўтади. Айниқса, шоирнинг Бухоро мадрасасида олган билими унинг муваффақиятли қалам тебратишига ёрдам берди. Шарқ адабиётининг буюк сиймолари Фирдавсий, Низомий, Навоий, Фузулий, Махтумқулидек сўз санъаткорларининг бадиий баркамол шеърияти Мулланафаснинг ижодий камолотида муҳим роль ўйнайди. Зеро, шоир "Кўнглим" радифли шеърида устозларга бўлган эҳтиромини қуйидагича ифодалаши бежиз эмас эди:

***Низомий, Навоий яна Фирдавсий,***
***Румнинг гулшани, ҳинди товуси,***
***Бевафо дунёдан ўтарман осий,***
***Сизлардан миннатдор эрур бу кўнглим.***

Мулланафас лирикасининг асосий қисмини ишқ-муҳаббат мавзусидаги шеърлар ташкил этади. Шоир севгини авж пардаларда куйлагани ва шу мавзуда кўп шеърлар ёзгани билан туркман адабиёти тарихида алоҳида қадрланади. Чиндан ҳам, у "Зуҳра ва Тоҳир" достонида "Ишқ мулкининг шоҳи мен, қошимда ҳамдамим йўқ..." деб ёзганидек, севиш, севилиш, севгида садоқат каби мавзуларни катта истеъдод билан куйлаб ўтди. Мулланафаснинг "Нор кезгин", "Истабки гўзал ёрни", "Нози ёр", "Гўзалим", "Бери кел", "Бир гўзал", "Севдигим", "Ёдимга тушди", "Ёрга етса" каби ўнлаб шеърлари борки, уларнинг ҳар бирида лирик қаҳрамоннинг қалб ҳаяжонларини сезиб турасиз, шоирнинг туйғулари нақадар эҳтиросли, муҳаббатга садоқати нечоғли ғалаёнли эканлигини кўриб, бу илҳомбахш ғоянинг жилолари ниҳоятда ранг-баранглигидан, жозибасидан завқланасиз.

Мулланафаснинг лирик меросида Шарқ мумтоз адабиёти анъаналари руҳида ёзилган шеърлар ҳам талайгина. Шоир ғазал, мухаммас жанрининг етук намуналарини яратди. Шунингдек, муаллиф шеърлари орасида олтиликлар, саккизликлар, тўққизликлар ҳам анчагина. Шоирнинг "Кўзларинг", "Чиқар", "Кўзинг билан" сингари радифли ғазаллари, "Бери кел", "Кўрмадим", "Бу кун" "Райҳон эрур", "Ёр сенга", "Бир гўзал", "Дилбар", "Жон ўртар", "Беқарор этдинг мени" каби яна бошқа бир неча аруз вазнида ёзилган шеърлари борки, булар, чиндан ҳам Мулланафаснинг Шарқ мумтоз адабиётининг илғор анъаналарини ўз ижодий тажрибасида муваффақиятли қўллаганидан дарак беради.

Мулланафаснинг "Зуҳра ва Тоҳир" достони бошқа бир поэтик хусусияти билан ҳам ўзбек адабиётига яқин туради. Достоннинг ғоявий талқини ва бадиий хусусиятларида Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" ҳамда "Фарҳод ва Ширин" достонларига хос муштаракликни кузатиш мумкин. Масалан, Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" асарининг учинчи девонида "Гул" радифли олти байтлик бир ғазал бор. Мулланафаснинг "Зуҳра ва Тоҳир" достонида ҳам ўн икки байтлик "Гул" радифли ғазал мавжуд. Ғазалларнинг ифода шакли бири-бирига жуда яқин.

Мулланафас Ўзбекистоннинг бир нечта шаҳарлари ва қишлоқларида бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Шоир бир шеърида "Кездим Бухоро шаҳрин Самарқанд билан" деб ёзса, "Топилмас" радифли бошқа бир шеърида мана бундай сатрларни ўқиймиз: "Хоразм шаҳрига сайр этиб бордим, Урганч дарёсининг мавжини кўрдим". Мулланафас "Келмагай" номли шеърида ҳам Ўзбекистоннинг Хонқа, Ҳазорасп, Шовот, Нурота каби шаҳарларини, қишлоқларини тилга олади. Табиийки, бу атамалар шоир шеърларига шунчаки, тасодифан кириб қолган эмас. Мулланафас ўша жойларда бўлган, у ерларнинг ижтимоий-тарихий шароити, адабий муҳити билан танишган. Ва бу сафарлар шоир шеъриятида ўзига хос из қолдирган бўлиши аниқ.

Мулланафас ўзбек китобхонларининг ҳам севимли шоирларидан биридир. Унинг бетакрор шеърияти халқимизга яхши таниш. Шоир шеърлари республикамизнинг атоқли хонандалари репертуаридан катта ўрин эгаллаган. Ўзбекистон ва Туркманистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов Мулланафаснинг ўттизга яқин шеърларига куй басталаб, маҳорат билан ижро этганидан халқимиз яхши хабардор. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Отажон Худойшукуров ижросидаги қўшиқларнинг муайян қисмини Мулланафас шеърлари билан айтиладиган ашулалар ташкил этган. Бугунги кунда Оғабек Собиров, Каримбой Раҳмонов сингари таниқли хонандалар ҳам Мулланафас асарларига кўп маротаба мурожаат қилиб, жозибадор қўшиқлар ижро этиб келмоқда.

Умуминсоний ғоялар қаламга олинган ўлмас асарлари, умрбоқий шеърияти билан авлодларга дурдона ижод намуналарини қолдирган беназир сўз санъаткори, атоқли шоир Мулланафас мана шундай қадру эъзозга муносибдир.

**Каримбой ҚУРАМБОЕВ,**
**Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти профессори, филология фанлари доктори, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби.**

Спорт • Sport • Спорт

# ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ТОШКЕНТДА ЎТАДИ

***Футбол бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги навбатдаги Осиё чемпионати Ўзбекистонда ўтадиган бўлди. Осиё Футбол Конфедерациясининг мусобақаларни ўтказиш қўмитасининг навбатдаги йиғилишида ана шундай қарорга келинди.***



Таъкидлаш лозимки, ОФК ушбу мусобақага мезбон сифатида қаторасига иккинчи марта мамлакатимизни танлади. Эсингизда бўлса, 2008 йилнинг кузида Тошкент шаҳрида қитъа биринчилиги зўр муваффақият билан ўтказилганди. Бу сафар чемпионатга мезбонлик қилиш учун Ўзбекистон, Австралия, Эрон, Яман, Иордания, Таиланд, Индонезия, Жанубий Корея мамлакатлари ўз номзодларини кўрсатишганди. Сўнгги босқичга улар орасидан Эрон ва Ўзбекистон етиб келди. Якуний овоз бериш жараёнида ОФК мусобақаларни ўтказиш қўмитаси аъзолари Ўзбекистон номзодини бир овоздан маъқуллашди.

Эслатиб ўтамиз, чемпионатда саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган Ўзбекистон (мезбон), Тожикистон, Қувайт, Эрон, Сурия, Ироқ, БАА, Иордания, Япония, Индонезия, Хитой, Шарқий Тимор, КХДР, Вьетнам, Австралия, Уммон каби ўн олтита терма жамоа иштирок этади.

Осиё чемпионати 24 октябрь — 7 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги "Жар" ва "Пахтакор" стадионларида бўлиб ўтади.

**Норбек НИЁЗОВ.**

## ОБ-ҲАВО

(31 март)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Тунда 3-8 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси 7-12 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 5-10 даража илиқ, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 5-10 даража илиқ, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 8-13 даража илиқ, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 5-10 даража илиқ, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 5-7 даража илиқ, кундузи 20-22 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

"Росагропромснаб" МЧЖ

**ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ**
**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

- **УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ**
- 5 $м^3$/соатдан 500 $м^3$/соатгача **БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ**
- **ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ**
- **ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари**



17R/1788

Маҳсулот сертификатланган.

**Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.**

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, Ц-даҳаси, 6-уй.
Мўлжал — «Шуҳрат» дўкони жойлашган чорраҳа.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 июлдаги «Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида

**«Samarqand elektr tarmoqlari» OAJ**

**такроран кўрик-танловда қатнашишга таклиф этади.**

**Танлов номи** — Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳри, Самарқанд шаҳри, Ургут ТЭТ, Деҳқонобод ТЭТ, Дўстлик ТЭТ, Зарафшон ТЭТ истеъмолчиларидан электр энергияси учун тўловларни йиғиш вазифасини бажарувчи хусусий операторни ташкил этиш учун инвестор танлови.

**Танлов ўтказилишининг асосий шартлари:** танлов очиқ турда ўтказилади. Унда юридик шахслар ёки хусусий операторни ташкил этиш ва ушбу операторга юклатиладиган вазифалар ҳамда мажбуриятларга мувофиқ, унинг фаолиятини ташкил этиш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмаган шахслар иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

**Хусусий оператор фаолият юритиши учун таклиф этилаётган ҳудуд:** Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳри, Ургут ТЭТ, Деҳқонобод ТЭТ, Дўстлик ТЭТ, Зарафшон ТЭТ ва Самарқанд шаҳри.

**Танлов ташкилотчиси** — «Samarqand elektr tarmoqlari» OAJ. Жойлашган манзили: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 151-уй.

**Инвесторга қўйиладиган асосий талаблар:**
- инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият юритадиган ҳудудида электр энергияси учун пул маблағлари ўтказиш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов эълон қилинган пайтда амал қиладиган тарифлар бўйича фаолият ҳудудида берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч баробар қийматига тенг бўлган сумма доирасида бажарилиши юзасидан банк кафолати;
- танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ, электр энергияси истеъмолчиларига зарур бўлган даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш.

**Дастлабки малакавий танлов ўтказиш жойи ва муддати:** Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 151-уй. Танловда қатнашиш учун аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади.

**Дастлабки малакавий танловдан ўтиш учун инвесторлар танлов ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларини тақдим этишлари лозим:**
- Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган инвестор банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
- давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг инвестор қайта тузилиш ёки тугатилиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
- давлат рўйхатидан ўтказувчи тегишли орган томонидан берилган, инвестор юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, низоми ва таъсис ҳужжатлари;
- инвесторнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан қарзи йўқлиги ҳақидаги ДСИ маълумотномасининг асл нусхаси ҳамда ваколатли банк томонидан бериладиган инвесторнинг эълон чоп этилиш пайтидан бошлаб асосий ҳамда иккиламчи ҳисоб рақамларида картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома;
- инвестор «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамаси ҳолатида ёки «Ўзбекэнерго» ДАК ва унинг корхоналари билан арбитраж ажрим ҳолатларида эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
- инвестор истеъмол қилинган электр энергияси учун қарзи йўқлиги тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари маълумотномаси.

**Қуйидаги инвесторлар танловда қатнашишга қўйилмайди:**
- танлов ҳужжатларига мувофиқ барча зарур бўлган ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
- танлов эълон қилингунга қадар бир йилдан кам муддат ичида таъсис этилган;
- «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамаси ҳолатида бўлган.

**Танлов ҳужжатларини олиш жойи ва шартлари, танлов ҳужжатлари учун тўлов, шунингдек, гаров суммаси миқдори ва уни тўлаш тартиби.**

Танлов ҳужжатларини олиш истагидаги инвесторлар танлов бўйича олинадиган махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисида шартнома имзолайдилар ва «Samarqand elektr tarmoqlari» OAJнинг қуйидаги ҳисоб рақамига танлов ҳужжатлари учун тўлов суммасини ўтказадилар: 20210000802611704162, «Кредит Стандарт» ХОАТБ, Самарқанд шаҳри, МФО: 01023, СТИР: 200613520, ХХТУТ 11170.

**Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан қуйидаги манзилга мурожаат этиш лозим: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 151-уй, «Samarqand elektr tarmoqlari» OAJ. Телефон: (8-366) 231-11-42.**

Танлов ҳужжатлари пакетини юқорида кўрсатилган манзилдан қайтариб берилмайдиган энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида сумма ўтказилганидан сўнг олиш мумкин. Танлов таклифлари энг кам ойлик иш ҳақининг минг баробари миқдорида бўлган гаров суммаси билан кафолатланган бўлиши лозим.

Танлов ҳужжатлари пакети учун учинчи шахслар тўловни амалга оширишлари тақиқланади.

Маълумот олиш учун иштирокчилар танлов ташкилотчисига танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар ҳар куни маҳаллий вақт билан (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат этишлари мумкин.

304R/359

O'ZSANOATQURILISHBANK

*Диққат!*

**«Ўзсаноатқурилишбанк»и ОАТБ Самарқанд минтақавий филиали балансида бўлган, Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Қайнама қишлоғида жойлашган**

**экологик тоза ичимлик суви ишлаб чиқариш мажмуаси сотилмоқда.**

**Унинг 0,63 гектар девор билан ўралган ер майдонида ишлаб чиқариш цехи, 2 та омборхона, компрессор хонаси, 2 қаватли офис биноси, тоза ичимлик суви ишлаб чиқариш линиялари мавжуд.**

Мажмуа баҳоси — **2 091 715 729 сўм**.

**Барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 3-«А» уй (Вилоят адлия бошқармаси олдида), «Ўзсаноатқурилишбанк»и ОАТБ Самарқанд минтақавий филиали. Телефонлар: (8-366) 233-22-06, 233-44-01. Факс: (8-366) 233-51-78.**

309R/268

**«ROKA COMPANY»** *уруғчилик компанияси*

**Янги мавсум учун Испаниядан келтирилган юқори ҳосилдор маккажўхори уруғларини таклиф қилади.**



*Уруғлар сертификатланган ва давлат реестрига киритилган.*

48R/254

Тел.: 257-44-01, 257-44-03, 100-83-13, 382-56-57.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Девони жамоаси Девоннинг масъул ходими М. Муротовга онаси

**ТОҲИРА аянинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

"Ўзнефтгазқазибчиқариш" акциядорлик компанияси раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси нефть ва газ соҳасининг фахрийси

**Азиз Исмоилович ИСМОИЛОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 203. 64025 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Болиев.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 22.50 1 2 3 5